2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 13 (802), 2023 йил 20 январь, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИНИ ЯХШИЛАШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 19 январь куни энергия таъминотини яхшилаш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди ҳамда гидроэнергетика тармоғидаги режалар тақдимоти билан танишди.

Мамлакатимизда энергетика тизимини ривожлантиришда барча манбалардан фойдаланилмоқда. Мавжуд қувватларни мустаҳкамлаш билан бирга қуёш, шамол ва гидроэлектр иншоотлари барпо этилмоқда.

Хусусан, сўнгги йилларда гидроэнергетика йўналишида 500 миллион долларлик 27 та лойиҳа амалга оширилиб, қўшимча 260 мегаваттли қувватлар яратилди. “Ўзбекгидроэнерго” тизимидаги станцияларнинг умумий қуввати 2 минг мегаваттдан ошди. Бу — йилига 2 миллиард куб метр табиий газ тежалмоқда, дегани.

Жорий йилда 197 мегаваттли 7 та лойиҳа ва 10 та микро гидроэлектр станция ишга туширилиши режалаштирилган. Яна 438 мегаваттли 8 та истиқболли лойиҳа ва 50 та микро ГЭС қуриш бўйича ишлар бошланади.

Давлатимиз раҳбари гидроэнергетикада салоҳият юқорилигини таъкидлаб, қувватларни кескин ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Бу борада микро гидроэлектр станциялар қуриш мумкин бўлган 250 та майдон аниқланган. Ҳисоб-китобларга кўра, келгусида бу иншоотларда йилига 675 миллион киловатт-соат электр энергиясини ишлаб чиқариб, 200 миллион куб метр газни тежаш мумкин.

Микро ГЭСлардан электр энергиясини юқори нархларда сотиб олиш йўлга қўйилгач, соҳага тадбиркорлар қизиқиши ортди.

Гидроэнергетика иншоотлари атрофидаги бўш майдонларда шамол ва қуёшга мослашган гибрид станциялар қуриш бўйича топшириқ берилди. У ерларда тайёр инфратузилма борлиги ҳисобига харажатлар кам бўлади.

Давлатимиз раҳбари соҳада маҳаллийлаштириш масаласига ҳам тўхталди. “Сувсаноатмаш” акциядорлик жамиятида микро ГЭС ускуналари, Тошкент вилоятида гидроагрегатлар ишлаб чиқариш бўйича топшириқ берилди.

Сув омборларини бошқаришни рақамлаштириш, кадрлар малакасини ошириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Йиғилишда аҳолини энергия билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари муҳокама қилинди. Президентимиз мавжуд барча захираларни ишга солиш, янги ва истиқболдаги лойиҳаларни муддатидан кечиктирмаган ҳолда амалга ошириш зарурлигини таъкидлади.

Энергия танқислиги шароитида кунлик ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ресурсларни адолатли ва самарали тақсимлаб, жойларга изчил етказиб бериш, узилишларни тезкор бартараф этиш вазифалари белгиланди.

ЎзА

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

ИСТИҚБОЛЛИ ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР ИНЪИКОСИ

Ватан ҳимоячилари байрами арафасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев Мудофаа вазирлигининг Марказий ҳарбий клиник госпиталига ташриф буюриб, бу ердаги шарт-шароитларни кўздан кечирган ва ҳарбий шифокорлар, ҳамширалар билан мулоқот қилганди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур шифохона узоқ йиллар эътиборсиз қолган, иш услуби шунга яраша бўлган. Давлатимиз раҳбари 2018 йилда бу ерга келиб, муассасани реконструкция қилиш ва замон талаблари даражасида жиҳозлаш бўйича топшириқлар берган эди. Қисқа фурсатда Марказий ҳарбий клиник госпитали буткул янги қиёфа касб этди. Иш услуби ҳам замонавий технология ва ёндашувлар асосида йўлга қўйилди.



Президентимизнинг госпиталга жорий йилдаги иккинчи ташрифи ҳарбий шифокорларни янада руҳлантириб, фаолиятларига кўтаринкилик бахш этди.

Биз давлатимиз раҳбари ташрифидан сўнг мазкур муассасага бориб, соҳада амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўлдик, ҳарбий шифокорлар, ҳамширалар билан суҳбатлашдик.

Давоми 2-бетда

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

Ижтимоий давлат бу, энг аввало, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечиришига зарур шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш, демакдир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ, ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МИЛЛАТ ШАКЛЛАНГАН МАЪРИФИЙ МАМЛАКАТ

Сиёсий назарияга кўра, давлат раҳбарининг Парламентга мурожаати ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари ўртасидаги муносабатларнинг тарихан шаклланган йўли ҳисобланади. Шу маънода, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси анъанавий тус олгани халқимиз сиёсий қарашларига ўзгача шакл ва мазмун бериши баробарида, Янги Ўзбекистон сиёсий назариясида аввалгиларига ўхшамаган жанрга асос солди.

Давоми 3-бетда

ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ

УМИД ВА ИШОНЧ МАНЗИЛИ

Зомин туманининг “Халқобод” МФЙда яшовчи фуқаро Комилжон Ҳусанбоев Халқ қабулхонамизга боғдорчилик ва узумчилик учун кредит маблағи ажратиш бўйича амалий ёрдам сўраб мурожаат қилган эди ва масала ижобий ҳал этилди. Фуқарога 1 миллиард сўм кредит ажратилди. Комилжон Ҳусанбоев бу маблағга туманнинг “Туркман” МФЙга қарашли Бешбулоқ қишлоғида 35 гектар боғ яратди. Ҳозир боғнинг 20 гектарига узум, олма, гилос, шафтоли экилган, қолган майдонлар баҳор фаслида кўчат экиш учун тайёр турибди. Тадбиркор 5 гектар узум майдонида томчилатиб суғоришни йўлга қўйди. Айни пайтда унинг 4 нафар доимий ва 20 нафар мавсумий ишчиси бор.

Давоми 4-бетда

ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР

“YERELEKTRON” ТИЗИМИ ВА ҚИСҚАРТИРИЛГАН МУДДАТЛАР

СОҲАДА ҚАНДАЙ ЯНГИЛИКЛАР ҚЎЛЛАНИЛМОҚДА?

Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг халқимиз кундалик ҳаётида ўз ифодасини топиши, қўйилган мақсад ва кутилаётган натижаларга эришиш кўп жиҳатдан давлат идоралари фаолиятининг самарадорлигига бевосита боғлиқ. Бинобарин, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган эзгу ғоя бугун ана шу ишларнинг асосига айланмоқда.

Давоми 2-бетда

ЭЗГУЛИК

ТАДБИРКОРНИНГ ХАЙРЛИ ТАДБИРИ

ЎНЛАБ ОИЛАГА ҚУВОНЧ, ҚАЛБЛАРГА ХОТИРЖАМЛИК ОЛИБ КИРДИ

Катта харжлар учун пул йиғишга узоқ вақт керак. Бундай кезда йилларни йилларга улаш, унча-мунча орзу-ҳавасларни бир четга суриб туриш лозим бўлади. Каттароқ мақсад учун сармоя тўплаш ҳақида гап кетганда, аввало, хаёлимиздан уй-жой сотиб олиш фикри ўтади. Бундаги дил орзиқишини, айниқса, ижарада яшаганлар, яшаётганлар ҳис қилади, албатта.

Яқинда мавзуга оид яхши хабарни ўқиб қолдим. Очиғи, қанчалик хурсанд бўлсам, шунчалик ҳайратландим ҳам. Ахир ҳайратланмасликнинг иложи борми?! Бир саховатли инсон уй-жойга эҳтиёжманд ўнлаб юртдошларимизга бошпана берса, яна текинга! Тўғри, хайр-саховат халқимизга хос фазилат, лекин бугунги кун шароитида ўнлаб уйларни эҳтиёжмандларга туҳфа қилиш деярли кузатилмайдиган ҳолат-да.

Давоми 4-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

ИСТИҚБОЛЛИ ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР ИНЪИКОСИ

Бошланиши 1-бетда

Шодликка ҳамоҳанг шижоат

— Президентимиз билан учрашув кўнглимни ёритган, ҳаётимга қувонч бағишлаган онлар бўлди, — дейди госпиталь бош ҳамшираси, биринчи даражали сержант, “Содиқ хизматлари учун” медали соҳиби Гулруҳ Мусаева. — Ҳамширалар меҳнатини қадрлаш, нуфузи ва тажрибасини ошириш ҳақидаги фикрларим давлатимиз раҳбарига манзур бўлди, таклифларимизни қўллаб-қувватлади.

Президентимиз **“Ҳамшираларнинг маълумоти ва билим савиясини оширишимиз керак. Сиз таклиф ва фикрларингизни ўзингизда сақлаб қолмасдан, буни ўрта тиббиёт ходимларига ҳам татбиқ қилишингиз зарур. Мамлакатимиздаги барча ҳамшираларнинг тажрибасини оширишимиз ҳамда халқаро микёсдаги ҳамширалар даражасига етказишимиз шарт. Ана шундагина соғлиқни сақлаш тизимидаги 90 фоиз муаммоларни ҳал қилган бўламиз”,** дея алоҳида таъкидлаб, Ҳарбий тиббиёт академиясига қабул қилинишим, мустақил тадқиқотчи сифатида изланишларимни ҳозирданоқ бошлашим бўйича топшириқ берди.

Давлатимиз раҳбари ташрифи нафақат орзуларимга қанот, балки келажакдаги режаларимга оқ йўл ҳам очиб берди. Ҳа, меҳнатларинг самараси қадрланиши нечоғлиқ чексиз қувонч эканини англаш унчалик ҳам қийин эмас. Баъзилар ҳамшираларга шифокорнинг югурдагидай муносабатда бўлади. Аслида, ҳамшира шифокордан-да кўпроқ тажрибага эга. Чунки мунтазам беморлар билан мулоқотда бўлади, уларнинг ҳолати, соғайиш жараёнини кузатиб боради.

Президентимизга “Неча йиллик ўйларим, орзуларим сизнинг қарор ва топшириқларингиз билан уйғун эканига ишонч ҳосил қилганимдан сўнг мен давр билан қадам-бақадам юрганимни англадим”, деган фикримни айтдим. Бу даргоҳга ишга келганимда назарий билимгагина эга эдим, ўтган йиллар давомида амалий билимим ҳам ошди, бугун ўз касбимдан фахрланиб, янада юксалдим.

Ҳа, бугун Гулруҳнинг қувончи чексиз. Унинг шодлик ва шукроналик ҳисси йўғрилган нигоҳларига боқар эканмиз, Янги Ўзбекистонда бўлаётган янгиланишлар инсонларнинг яйраб яшашига, ўз устида изланишига кенг имкониятлар эшикларини очиб бераётганига гувоҳ бўлдик.

Шу ўринда, оддий оилада вояга етган матонатли, жасур ва шижоатли ҳамшира, уч фарзанднинг меҳрибон онаси Гулруҳ Мусаеванинг иш фаолиятига қисқача тўхталиб ўтишни жоиз билдик.

У 2004 йилда Тошкент тиббиёт академиясининг олий ҳамширалик факультетини битириб, Марказий ҳарбий клиник госпиталида иш бошлади. 2005 йилда ҳарбий хизматни ўтади. Ўтган йиллар давомида асаб касалликлари, анестезиология-реанимация, ўпка ва эндокринология, урология бўлимларида катта ҳамшира ва биринчи даражали сержант бўлиб фаолият юритди. Мобиль-тиббий отрядда ҳам ўз хизмат фаолиятини олиб борди.

Беш йилдан буён госпиталнинг бош ҳамшираси вазифасида ишлаб келмоқда. 2022 йилда Тошкент тиббиёт академиясида ўрта тиббиёт ходимлари ишини ташкил қилиш ва менежмент йўналиши бўйича магистратурани имтиёзли диплом билан тамомлади. Даставвал ўз фаолиятини қуйи поғонадан бошлаган бу сергайрат ҳамшира бугун 450 нафардан ортиқ ўрта ва 280 нафардан зиёд кичик тиббий ходимга бошлиқ.

У келажакда Ҳарбий тиббиёт академиясида ўқитувчи бўлиб фаолият олиб боришни, илмий изланишлар қилишни, ҳамшираларни ўқитиш ва уларда халқаро стандартларга жавоб берадиган ҳамширалик кўникмалари, лидерлик, менежерлик фазилатларини шакллантиришни режалаштирган. Гулруҳнинг шодлигига ҳамоҳанг шижоатини кўриб ҳавас қилдик.

Янги Ўзбекистон янгиланишлар даврида

— Президентимизнинг ташрифи бутун жамоамизни руҳлантириб юборди, — дейди Марказий ҳарбий клиник госпитали бошлиғининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Абдувоҳид Бозоров. — Учрашув жараёнида шу нарсага амин бўлдимки, соғлиқни сақлаш йўналишининг энг қуйи бўғинидаги масалалар ҳам давлатимиз раҳбарининг эътиборидан четда эмас. Аслида, саломатлик — инсон учун энг керакли омил. Шу боис, Президентимиз бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, соҳани изчил ривожлантиришга кенг йўл очмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йилда госпитални тубдан реконструкция қилиш ва замонавий жиҳозлаш бўйича берган топшириғидан кейин бу ерда катта ҳажмдаги қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Бугун 700 ўринга мўлжалланган госпиталимизнинг янги қиёфасини кўриб турибсиз. Бизда 286 хил диагностик текширув, 600 дан зиёд амалиёт йўлга қўйилган, 30 га яқин ихтисослашган, 25 даволаш профилактика бўлими мавжуд. Бундан ташқари, қўшимча бўлимлар ҳам фаолият юритмоқда. 25 бўлимнинг 11 таси жарроҳлик йўналишида хизмат кўрсатади ва уларда барча турдаги жарроҳлик амалиётлари бажарилади. Жарроҳлик бўлимлари учун 8 қаватли янги бино қурилиб, Президентимизнинг шу йил бошидаги ташрифи куни ишга туширилди.

Госпиталда таълим билан амалиёт боғлиқлиги ҳам самарали йўлга қўйилган. Илгари бундай мутахассислар Тошкент тиббиёт академиясининг ҳарбий тиббиёт факультетида тайёрланар эди. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 22 октябрдаги “Ҳарбий тиббиёт соҳасида кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, мазкур факультет негизида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий тиббиёт академияси ташкил этилди.

Энг муҳими, мазкур таълим маскани Марказий ҳарбий клиник госпиталининг ёнгинасида қад ростлади. Қачон бизда шифокор ва ҳамшираларга ишлаш учун қулайлик яратилади, хорижникидек тиббий хизмат сифати юксалади, деган фикру ўйда юрган соҳа ходимларининг саволларига айнан шу ерда ечим топилди.

Эртанги кунга ишонч

— Бугун ҳарбий шифокорларимизнинг кайфияти юқори, эртанги кунга ишончи баланд. Давлатимиздан, Президентимиздан миннатдор. Ўз касбини севган ҳарбий шифокор учун бундан ортиқ ҳаловат ва хотиржамлик йўқ, — дейди шошилинч хирургия бўлими бошлиғи, тиббий хизмат полковники Ҳусан Худенов. — Аслида, инсон Ватанга муҳаббат туйғуси билан яшайди. Бу жуда юксак туйғу. Ватан ҳимоячилари фақат ҳарбийлар эмас, балки шу юртда яшаётган ҳар бир фуқаро ҳам тинчлигимизни асраб-авайлашга интилиши лозим. Зеро, барчамиз шу юрт фарзандларимиз.

Ҳарбийлар соғлиғига эътиборни кучайтириш, текширувларни мунтазам ўтказиб бориш долзарб вазифа саналади. Ҳарбий госпиталда яратилган кенг имкониятлар, замонавий тиббий ускуналар эса янада шижоат билан ишлашга ундайди.

— Давлатимиз раҳбари биз билан самимий, дилдан суҳбатлашди. Соҳада ишни янада яхши ташкил қилиш, ҳарбийлар ва аҳоли саломатлигини сақлаш борасида нималарга эътибор қаратиш лозимлиги ҳақидаги фикрларимизни сўради. Тўғриси, ўзимни жудаям бахтиёр сездим, бундай эътиборни чин дилдан ҳис этиб, шунга мос равишда хизмат қиламиз, — дейди кардиохирургия бўлими катта ординатори, катта лейтенант Маҳлиё Маҳмудова.

> **“ПРЕЗИДЕНТИМИЗГА “НЕЧА ЙИЛЛИК ЎЙЛАРИМ, ОРЗУЛАРИМ СИЗНИНГ ҚАРОР ВА ТОПШИРИҚЛАРИНГИЗ БИЛАН УЙҒУН ЭКАНИГА ИШОНЧ ҲОСИЛ ҚИЛГАНИМДАН СЎНГ МЕН ДАВР БИЛАН ҚАДАМ-БАҚАДАМ ЮРГАНИМНИ АНГЛАДИМ”, ДЕГАН ФИКРИМНИ АЙТДИМ. БУ ДАРГОҲГА ИШГА КЕЛГАНИМДА НАЗАРИЙ БИЛИМГАГИНА ЭГА ЭДИМ, ЎТГАН ЙИЛЛАР ДАВОМИДА АМАЛИЙ БИЛИМИМ ҲАМ ОШДИ, БУГУН ЎЗ КАСБИМДАН ФАХРЛАНИБ, ЯНАДА ЮКСАЛДИМ.**

Илгари армия алоҳида, халқ алоҳида дунё бўлиб яшаган. Бугун эса Президентимиз ташаббуси билан **“Халқ ва армия — бир тану бир жон”** бўлиб яшамоқда. Бу тамойил остида ҳарбийларимиз ва халқимизнинг дарду ташвиши, тинчлиги, фаровонлиги чамбарчас боғлиқ ва уйғун бўлиб шакллнмоқда. Халқимизнинг онгу шуурида эса миллий армиямиз ва ҳарбий хизматга нисбатан чинакам ишонч ҳисси чуқур илдиз отяпти.

Шу маънода, Марказий ҳарбий клиник госпиталида янги жарроҳлик мажмуининг бунёд этилиши нафақат ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзоларига, балки бутун халқимизга сифатли тиббий хизмат кўрсатадиган энг етакчи шифохоналардан бири ҳисобланади. Айниқса, дардига даво излаб, минг бир илинж билан бошқа давлатларга даволаниш учун кетишга шайланаётган фуқароларга айнан шу госпиталда самарали ва сифатли хизмат кўрсатила бошлангани эътиборга сазовор катта воқеликдир.

Мозийга назар ва келажакка йўл

150 йиллик тарихга эга госпиталь Марказий Осиёдаги энг биринчи тиббий шифохона бўлган. Бу масканда ишлаган кўпгина олимлар бутун дунёга машҳур. Масалан, таниқли жарроҳ Пётр Боровский.

Унинг Ўзбекистон тиббиёти ва мазкур госпиталь фаолиятида алоҳида ўрни бор. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, П.Боровскийнинг портрети бугунги кунда Лондондаги буюк олимлар галереясидан жой олган. У умрининг охиригача госпиталда фаолият олиб борган. Ҳарбий госпиталь Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари даврида ҳам кўплаб беморлар ҳаётини сақлаб қолган.

Бизга тақдим этилган маълумотга кўра, чет давлатларнинг ҳарбий госпиталлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш бўйича самарали ҳаракатлар йўлга қўйилган. Жумладан, Германия, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Франция ва Россия ҳарбий госпиталлари билан яқин алоқа ўрнатилиб, тажриба алмашиш, маҳорат дарслари ўтиш бўйича келишувлар имзоланган.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР

“YERELEKTRON” ТИЗИМИ ВА ҚИСҚАРТИРИЛГАН МУДДАТЛАР

СОҲАДА ҚАНДАЙ ЯНГИЛИКЛАР ҚЎЛЛАНИЛМОҚДА?

Жасур КАРИМОВ,
Давлат кадастрлари палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи

Бошланиши 1-бетда

Давлат кадастрлари палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси ва унинг ҳудудий филиалларига ўтган йилда кўчмас мулк объектига кадастр паспортини тайёрлаш бўйича 77 минг 600 дан зиёд ариза келиб тушган бўлса, шундан 52 минг 300 дан ортиғи ижобий ҳал этилган. Қолган қисми рад этилган ёки ўрганиш жараёнидаги мурожаатлардир. Бу борадаги энг кўп буюртма Сергели, энг ками эса Яккасарой тумани аҳолисидан қабул қилинди.

Шунингдек, бошқарма томонидан қарийб 30 минг якка тартибдаги турар жойлар, 14 минг 350 га яқин нотурар жой кўчмас мулк объектлари, 80 минг 500 дан ортиқ кўп қаватли турар жойлар ҳамда 292 та ер участкасига бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилди.

Кадастр халқимизга яқин соҳа. Ҳар куни бўлмаса-да, кунора юртдошларимиз у ёки бу масалада мазкур идорага мурожаат қилиб келади. Шу боис, мурожаатчилар билан ишлаш учун туман филиалларида ҳам мунтазам фуқаролар қабули ташкил этилади.

Бундан ташқари, тасдиқланган режа асосида аҳоли ва тадбиркорларнинг кадастрга оид мурожаатлари сайёр қабуллар ўтказиш орқали ўрганилиб, муаммоларга ечим топиляпти.

Таҳлилларга кўра, ўтган йили бошқармага қарийб 8 минг 400 мурожаат келиб тушган бўлиб, 4 минг 900 га яқин мурожаат юзасидан чора кўрилди, 3 минг 500 га яқин мурожаат

муаллифига ҳуқуқий тушунтириш берилди, 41 таси эса рад этилди.

Қайд этиш жоизки, сўнгги йилларда давлатимиз томонидан кўчмас мулкка доир муносабатларни тартибга солиш ва қонунчилигимизни мустаҳкамлаш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2022 йил 28 ноябрь куни Президентимиз “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги қонунни имзолади. Мазкур қонун кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхати соҳасидаги муносабатларини тартибга солиш орқали мулкдорлар ҳуқуқларини давлат томонидан кафолатлаш ва ҳимоя қилиш борасидаги ишларни янада мустаҳкамлайди.

Умуман олганда, якунланган йилда ҳам кадастр соҳаси учун, ҳам аҳоли учун қулайлик яратувчи бир қатор янгиликлар амалиётга киритилди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 30 ноябрдаги қарори билан қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини аукцион савдога чиқаришнинг янги тартиби жорий қилинди. Унга кўра, қурилиш бўлимлари билан биргаликда кадастр органлари филиалларини ҳам бўш ер участкасини аниқлаб, “Yerelektron” автоматлаштирилган ахборот тизимига киритиш белгиланди.

Ер участкаларини савдога чиқаришда келишув ва муҳокама жараёнларини бирлаштириш ҳисобига келишиш босқичлари 8 тага, аукционга чиқариш муддати эса 16 (ижара ҳуқуқида) ва 22 иш кунигача (мулк ҳуқуқида) қисқартирилди.

Жисмоний ва юридик шахсларда доимий фойдаланишда (эгаликда) бўлган хусусийлаштирилаётган ер участкасини сотиб олиш қиймати ҳамма ҳудудлар бўйича ер солиғининг базавий солиқ ставкаси 20 баробари миқдорида белгиланган бўлса, янги тартибга мувофиқ, Тошкент, Нукус шаҳарлари ва вилоят марказларида ер солиғининг базавий солиқ ставкаси 10, бошқа ҳудудларда 5 баробарга камайтирилди. Бу каби янгиликлар, табиийки, аҳоли ва тадбиркорларга қўшимча қулайликлар яратмоқда.

Шу ўринда, ерларни аукцион савдоларга чиқариш бўйича киритилган таклифлар рад этилиши мумкинми, деган саволга жавоб бериб ўтсак. Агар ҳудудда ер ости муҳандислик тармоқлари (газ, электр тармоқлари, канализация ва ичимлик сув қувурлари) мавжуд бўлса, ушбу кўрсатилган ҳудудни ажратишнинг имкони бўлмайди.

Шу билан бирга, ажратилиши режалаштирилган ер майдони қурилиш чизиғидан ташқарига чиқиб кетган, қисман кўчанинг қизил чизиғи ва муҳандислик тармоғи ҳимоя ҳудудида жойлашган бўлса, бундай ҳолатда ҳам билдирилган таклиф рад этилади.

Бундан ташқари, фуқаро ва тадбиркорлар ҳам бўш турган ер участкасини танлаб, уни аукционга қўйиш масаласини кўриб чиқиш бўйича таклиф киритиши мумкин.

Президентимиз Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида эркин бозор механизмларини жорий қилиш, соғлом рақобат ва хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Конституцияда алоҳида ўрин эгаллаши кераклигини ҳам қайд этди. Бу ерларни ажратиш, уй-жойлар кадастрини юритишда муҳим омил бўлади, албатта.

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

ХОРИЖНИКИДАН АРЗОН ВА РАҚОБАТБАРДОШ

Бугунги кунда мамлакатимизда импорт ўрнини босувчи саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар сони ортиб боряпти. Мазкур корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нафақат ички бозорни таъминлаяпти, шунингдек, хорижга ҳам экспорт қилинмоқда. Бу эса мамлакатимиз саноати имижини яратиши баробарида юртимиз иқтисодий тараққиётига, аҳоли фаровонлигига хизмат қиляпти.

Тошкент вилоятида ҳам саноатнинг ривожланиши маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш, қўшимча қиймат занжирини яратиш имконини бермоқда. Натижада янги иш ўринлари яратилиб, аҳолининг даромади ошяпти, ижтимоий масалалар ечими ҳам осонлашган.

Вилоятда экспортёр корхоналар сафи кенгайиб бормоқда. Экспорт кўрсаткичлари ҳам сезиларли даражада ўсди. Биргина ўтган йилнинг декабрь ойида 14 корхонанинг экспорт фаолиятига жалб этилиши натижасида 343,1 минг долларлик саноат маҳсулотлари ташқи бозорга чиқарилди.

Ўрта Чирчиқ туманидаги “Асад энергия” масъулияти чекланган жамиятида турли кучланишли трансформаторлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Корхона раҳбари Жонибек Мамбетовнинг ташаббускорлиги сабаб маҳсулотларга тушаётган буюртмалар сони кундан-кун ошиб бормоқда. Буни ҳисобга олган ҳолда, янги қувватларни ишга туширишга чоралари кўриляпти. Бунинг учун чет элдан қўшимча дастгоҳлар келтирилди. Эътиборли жиҳати шундаки, корхонада тайёрланаётган трансформаторлар хориждан келтирилаётган муқобил маҳсулотларга нисбатан ўттиз фоизгача арзон.

Жонибек Мамбетовнинг шу соҳани танлаши бежиз эмас. Унинг отаси энергетик бўлган. Шу боис, у болалигидан электрик касбига қизиқди ва отасининг изидан боришга қарор қилди. Тошкент темир йўл муҳандислари институтини тамомлаб, бир неча йил темир йўл тизимида электрик бўлиб ишлади. Кейинчалик шу соҳада хизмат кўрсатувчи корхона очиб, тадбиркорликда ўз омадини синаб кўришга аҳд қилди. Бунинг учун ҳеч ким фойдаланмаётган, қаровсиз, ташландиқ жойни тендер асосида ютиб, трансформаторлар ишлаб чиқарадиган корхона ташкил этди. Хориждан асбоб-ускуналар олиб келинди.

— Ҳозирги кунда 25 киловаттдан 2,5 минг киловаттгача бўлган юқори кучланишли трансформаторлар ишлаб чиқаряпмиз, — дейди Жонибек Мамбетов. — Маҳсулотларимизнинг асосий қисми маҳаллийлаштирилган. Яъни етмиш фоизи корхонамизда ишлаб чиқариляпти, ўттиз фоизи эса чет элдан импорт қилинмоқда. Шу кунга қадар 20 миллиард сўмлик хорижий инвестиция киритилди. Жорий йилда яна 10 миллиард сўм инвестиция киритилишига эришмоқчимиз. Фаолиятимизни кенгайтириш ҳисобига яна 20 киши бандлигини таъминлаймиз.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, корхонада бир йилда қарийб 200 дона трансформатор ишлаб чиқарилмоқда. Шу кунга қадар корхона томонидан юздан ортиқ кўп қаватли уйларга электр подстанцияси қўйиб берилди. Айни пайтда Навоий вилоятидаги Марказий банк бошқармаси биноси учун электр подстанцияси қуриш жараёни амалга оширилмоқда.

Корхона раҳбари бўлишига қарамай, буюртмалар кўпайиб кетса, Жонибек Мамбетов ҳам иш кийимини кийиб, ишчилари билан биргаликда енг шимариб ишлайди, уларга кўмаклашади.

Энг муҳими, корхона трансформаторларининг сифати ва нархи харидорларга маъқул. Айни пайтда маҳсулотларни хорижий мамлакатларга экспорт қилиш чоралари кўриляпти. Шу мақсадда европалик ҳамкорлар билан музокара олиб борилмоқда.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

www.yuz.uz
yuz.uznews
yuz_official
yuz.uz_news

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

2023 ЙИЛДАН ЭЪТИБОРАН ЯНГИ ДАСТУР АМАЛГА ОШИРИЛАДИ. ҲАР БИР ВИЛОЯТДА БИТТАДАН ТЕХНИКУМДА ЕВРОПА КАСБИЙ ТАЪЛИМ СТАНДАРТЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛСА, КЕЛГУСИ БЕШ ЙИЛДА БАРЧА КОЛЛЕЖ ВА ТЕХНИКУМЛАР УШБУ ТИЗИМ БИЛАН ҚАМРАБ ОЛИНАДИ. ШУ ТАРИҚА УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ БУНЁД ЭТИШГА ҚОДИР ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МИЛЛАТНИ ТАРБИЯЛАШ ВА ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР ҚЎЙИЛЯПТИ.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ, ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МИЛЛАТ ШАКЛЛАНГАН МАЪРИФИЙ МАМЛАКАТ

Саъдулла ТОЖИЕВ,
иқтисодиёт фанлари номзоди

Бошланиши 1-бетда

Аввал — инсон...

Ўзбекистонда инсон — энг олий қадрият. Унинг манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, қадрини улуғлаш ислоҳотларнинг янги босқичида бир неча поғона юқорилади. Қувонарлиси, бу жараён изчил давом эттирилиб, Асосий қонунимиз маъно-мазмуни ҳам инсон қадрини улуғлаш руҳи билан бойитилмоқда. Бунда **“Аввал — инсон, кейин — жамият ва давлат”,** деган эзгу ғоя бош мезон қилиб олинган.

Бош қонунимизга ўзгартиришлар киритиш орқали миллий давлатчилигимизнинг конституциявий асосларини мустаҳкамлаш сиёсати Мурожаатноманинг мазмун-мундарижасини моҳиятан бойитган. Чунки жорий йил учун белгиланган ҳар бир устувор йўналиш ва уларнинг ижроси, энг аввало, Конституция талабларига мос бўлиши шартлигига урғу берилди. Содда қилиб айтганда, эндиликда сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий жабҳаларда белгиланган ҳар бир вазифа ижроси бевосита Асосий қонунга киритилиши мўлжалланган нормалар талабига мос бўлиши лозим. Бу конституция, қонунлар ва ҳаёт уйғунлашаётганидан далолат. Бу галги Мурожаатноманинг олдингиларидан фарқли томонлари ҳам шунда.

Шунингдек, у бир йилга эмас, балки 2023-2026 йилларга мўлжалланган бўлиб, бу даврда Тараққиёт стратегиясининг концептуал яхлит мундарижасидан келиб чиққан ҳолда, Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш, Инсонга эътибор ва сифатли таълим йилида мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг давлат — жамият — хўжалик қурилиши ва бошқарувидаги ислоҳотларни амалга ошириш белгилаб берилгани билан барчанинг қалбидан чуқур жой олаётгани айни ҳақиқатдир.

Янги Ўзбекистон конституциявий ислоҳотлар самараси ўлароқ, том маънода ижтимоий уйғун давлат бўлиши кутилмоқда. Асосий қонунга киритилаётган ўзгартишлар айнан давлатнинг ижтимоий мақомини конституциявий расмийлаштиришдан бошланаётгани боиси ҳам шу. Аҳоли муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шароитлар яратиш кучли ижтимоий сиёсатга айланди. Зотан, Президентимиз таъкидлаганидек, **“Ижтимоий давлат бу, энг аввало, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечиришига зарур шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш, демакдир”.**

Ихчам ва самарали бошқарув

Демократик ислоҳотлар мезони бўлмиш “Давлат — инсон учун” тамойили халққа хизмат қилишнинг самарали воситаси ҳисобланган давлат органлари ва бошқарувининг цивилизациявий имкониятларини янада кенгайтиради. Шунинг учун ҳам ихчам ва самарали давлат бошқаруви тизимига ўтиш жорий йилдаги устувор вазифаларнинг биринчи йўналиши этиб белгиланди.

“Қўл бошқаруви”дан аниқ натижага ишлайдиган тизимли бошқарувга ўтилмоқда. Бундай маъмурий ислоҳотлардан бош мақсад эса ҳукуматнинг иш услубини тубдан ўзгартириш, вазирлик ва идоралар сонини камайтириш, таркибини ташкилий-институционал ихчамлаштириш, давлат хизматчиларини 30-35 фоизга босқичма-босқич қисқартириб, иқтисод қилинадиган маблағларни ижтимоий масалаларга йўналтиришдан иборат.

Бу борадаги ишлар бошлаб юборилди. Президентимизнинг **2022 йил 21 декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони**га мувофиқ, вазирлик ва идоралар сони 61 тадан 28 тага туширилди.

Хўш, маъмурий ислоҳотлар туфайли қанча маблағ иқтисод қилинади?

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 3 триллион сўмга яқин маблағ тежалиши кутилаётир. Жумладан, вазирлик ва идоралар штат бирликларини 30 фоизгача қисқартириш ҳисобига 2,4 триллион сўм, ташкилот ва идораларни мақбуллаштириш ҳисобига бўшаган биноларни сотишдан 300 миллиард сўм маблағ бюджетга тушади. Хизмат автомашиналарини аукционда сотишдан 16,5 миллиард сўм, ҳудудларга хизмат сафарларини камайтириш, онлайн қабул тизимини қўллаш ҳисобига эса қарийб 17 миллиард сўм, давлат бошқаруви аппаратини сақлаш билан боғлиқ харажатларни мақбуллаштириш ҳисобига 22 миллиард сўм, расмий тадбирларни ўтказиш бўйича максимал нархларни ўз ичига олувчи меъёрларни белгилаш орқали харажатларни мақбуллаштириш ҳисобига 18 миллиард сўм иқтисод қилиниши кутилмоқда.

Маъмурий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида эса ҳудудлардаги бошқарув тизими янгиланади. “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонунга кўра, бундан буён давлат лавозимларига фақат танлов асосида ишга олинади, фаолият самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаб борилади. Ҳар йили 500 мутахассис энг нуфузли хорижий олийгоҳ ва марказларда ўқитилади. Туман ва шаҳар ҳокимлигига республика идораларида юқори лавозимларда ишлаган тажрибали, билимдон кадрлар танланади. Зеро, янги раҳбарлар олдига ҳар йили камида 40-50 миллион доллар хусусий инвестиция олиб кириш талаби қўйилаётир.

Нажот — таълимда

Янги Ўзбекистон — интеллектуал миллат шаклланган маърифий мамлакат. Зеро, мамлакатимизда маърифатпарвар жадид боболаримизнинг **“Нажот — таълимда, нажот — тарбияда, нажот — билимда. Чунки барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туфайли эришилади”,** деган ҳикматли сўзларидан келиб чиқиб, таълим сифатини яхшилашга жуда катта инвестиция киритиляпти.

Гап шу ҳақда кетганда, болаларни мактабгача таълим билан сифатли қамраб олиш даражаси 80 фоизга етказилиб, 600 минг янги боғча ўрни яратилгани, Президент мактабларида 130 мамлакатда маъқулланган “A-level” таълим дастури йўлга қўйилгани, 198 олийгоҳдан 41 тасига академик ва молиявий мустақиллик берилгани, талабалар учун имтиёзли таълим кредитларига ресурслар икки баробар кўпайтирилгани, олимларнинг иш ҳақи 4,5 баробар оширилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бу борадаги ишлар бундан кейин ҳам изчил давом эттирилади. Чунки таълим сифатини ошириш — Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўли сифатида танлаб олинган. Шу боис, таълимни замонавий халқаро андозалар даражасига кўтариш мақсадида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилади. Ушбу мақсад йўлидаги ишлар янги дарсликлар яратиш, илғор таълим стандартлари ва методикаларини жорий этишдан бошланди.

2023 йилдан эътиборан янги дастур амалга оширилади. Ҳар бир вилоятда биттадан техникумда Европа касбий таълим стандартлари жорий этилса, келгуси беш йилда барча коллеж ва техникумлар ушбу тизим билан қамраб олинади. Шу тариқа Учинчи Ренессансни бунёд этишга қодир интеллектуал миллатни тарбиялаш ва шакллантириш йўлида мустаҳкам пойдевор қўйиляпти.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ УЛКАН МАҚСАДЛАР САРИ ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАРИ КАТТА БИЛИМ ВА ТАЖРИБА ТЎПЛАШ БИЛАН ТАШЛАНДИ. БУ ЭСА КЎЗЛАНГАН ҚУТЛУҒ МАНЗИЛ ВА МАРРАЛАРГА ЕТИШ ИМКОНИЯТИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШИ МУҚАРРАР.

Жамиятдаги янгиланишлар кўзгуси

Маҳалла — ўзимизга хос бўлган, дунёда ўхшаши йўқ институт. Таъбир жоиз бўлса, у жамият виждони, янгиланиш ва ўзгаришларнинг чинакам кўзгусидир. Бошқача қилиб айтганда, мамлакат ҳаётининг барометри, давлатнинг микро матрицаси ҳисобланади. Негаки, давлат ва жамият ҳаётида нима содир бўлса, у аввало маҳаллада акс этади. Давлат инвестиция дастурлари маҳалла даражасига туширилишининг сиёсий-ижтимоий сабаби маҳалланинг ана шу нодир ижтимоий феноменида десак, муболаға эмас.

Эндиликда мазкур йўналишдаги ишлар янгича маъно-мазмун касб этиб, уларнинг кўлами кенгайтирилади. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун Мурожаатномада экс этган қатор вазифаларга эътибор қаратиш ўринлидир. Хусусан, маҳалла ўзининг муаммосини мустақил ҳал этиши учун “Маҳалла бюджети” тизими жорий этилади, мол-мулк ва ер солиқларининг муайян қисми маҳалланинг ўзида қолади, ҳар бир маҳалла ўз кутубхонаси ва спорт майдончасига эга бўлади. Бу ҳукумат ва аҳоли ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда маҳалла институтининг аҳамияти янада ошишидан далолатдир.

Ҳуқуқий давлат — энг одил давлат

Инсон ўзини қачон бахтли ҳис этади? Албатта, ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинганида. Юртимизда айни шу мақсад йўлида бошланган ислоҳотлар давом эттирилиб, у давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида белгиланмоқда. Мурожаатномада бу аниқ-тиниқ кўрсатилди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ҳуқуқ-тартибот идораларини янгича ишлашга ўргатадиган, одил судлов сифатини оширадиган тизим яратиляпти. Унга кўра, мулк ҳуқуқини энди фақат суд чеклайди, судда ишларни кўришда қатнашадиган алоҳида прокурорлар корпуси шакллантирилади. Бундан буёғига судларга жиноят иши фақат айблов хулосаси билан эмас, балки ҳимоячининг фикри билан бирга қабул қилинади. Тинтув ўтказиш, телефон сўзлашувини эшитиш ва мулкни хатлашга санкция прокурордан судга ўтказилади, илғор хорижий тажрибалар асосида маъмурий судлар фаолияти янада такомиллаштирилади.

Бундай тизимли янгиланишлар замирида битта мақсад мужассам. У ҳам бўлса, қонун устуворлигини ва инсон ҳуқуқлари олий қадриятлигини мудом таъминлашдир.

Табиат ишора бермоқда

Маълумки, Ўзбекистон Осиё ва Европага туташ чегарадаги жуда катта берк ҳавзали, иқлими қуруқ ва кескин континентал, турли табиат зоналарига бўлинган қурғоқчил ҳудудда жойлашган. Шу боис, экология ва сув минтақамиз учун азалий муаммолар сирасига киради. Мурожаатномада ушбу глобал масала ҳам четда қолмаган.

Тупроқ, сув ва ҳавонинг ифлосланиши, иқлим ўзгаришлари ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёси учун ташвишли ҳол. Устига-устак, 5,5 миллион гектардан ортиқ майдонда Оролқум саҳросининг пайдо бўлгани, ҳар йили 100 миллион тонна қум ва туз ҳавога кўтарилаётгани минтақада тупроқ таркибининг бузилишига, унумдор ерлар қисқаришига олиб келяпти. Ушбу экологик муаммо таъсирини камайтириш, қурғоқчилик ва обиҳаёт тақчиллигини юмшатиш учун сув ҳисобини очиқ-ошкора юритиш тизими жорий этилмоқда. Мурожаатномада келгуси уч йилда 13 мингга яқин сув хўжалиги объектини рақамлаштириш, 16 та йирик насос станциясини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиб, муқобил энергияга ўтказиш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишларни кучайтириш назарда тутилгани ҳам эътиборга молик жиҳатдир.

Айтиш жоизки, қишлоқ хўжалиги соҳаси, хусусан, пахтачиликда кластер тизими жорий этилгач, сув ресурсларини иқтисод қилиш, суғоришнинг тежамкор усулларини кенгайтириш имконияти пайдо бўлди. Натижада қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган ерлар ҳам ўзлаштирилмоқда. Жорий йилда пахтатўқимачилик кластерлари томонидан 300 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий этилиши кўзда тутилган. Бунинг ҳисобига 2 миллиард метр куб сув иқтисод қилиниши кутилмоқда.

Бундан ташқари, кластерларда сув тежашда муҳим аҳамиятга эга бўлган лазерли текислашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Шу йилнинг ўзида 200 минг гектар майдон экин-тикинга шу усулда тайёрланади. Натижада тежалаётган сув ресурслари эвазига 90 минг гектар ер майдони қайта ўзлаштирилиши белгиланган. Бу табиат бераётган ишораларга муносиб жавобдир, аслида.

Иқтисодий тенгсизлик барҳам топади

Эркин бозор механизмларини жорий қилиш, соғлом рақобат ва хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги ислоҳотлар янги босқичга кўтарилмоқда. Зотан, дастуриламал ҳужжатнинг бешинчи йўналиши ана шу мақсадга йўғрилган.

Эътиборлиси, ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий тенгсизликни қисқартиришга алоҳида урғу бериляпти. Яъни туман ва шаҳарларни бир маромда ривожлантиришга янгича ёндашилиб, уларнинг мавжуд шароити, салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиқиб, 5 тоифага ажратилади. Тоифага қараб, туман ва шаҳарларнинг иқтисодий ривожланиш истиқболлари белгиланади, тадбиркор учун субсидия, кредит ва компенсациялар ажратилади. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, давлат томонидан берилаётган кўмак жойлардаги реал ҳолатдан келиб чиқиб йўналтирилса, унинг самараси катта бўлади.

Шу билан бирга, назорат қилувчи ва рухсат берувчи муассасалар фаолияти қайта кўриб чиқилади, давлат идораларида тадбиркорларга сервис хизмати кўрсатишни баҳолаш тизими жорий қилинади. Энг асосийси, илғор тажрибалар асосида солиқ ва божхона маъмуриятчилиги енгиллаштирилади. Жумладан, жорий йилда қўшилган қиймат солиғи ставкаси 15 фоиздан 12 фоизга пасайтирилди. Бунинг ҳисобига тадбиркорлар ихтиёрида камида 14 триллион сўм маблағ қолиши ҳисоб-китоб қилинган. Табиийки, бу маблағ бизнесни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва ишчи-ходимлар, демакки, аҳоли фаровонлиги учун йўналтирилади.

Иқтисодиётнинг қон томири

Инвестиция иқтисодиётнинг қон томирига қиёсланади. Чиндан ҳам, инвестициясиз ривожланиш ҳам, тараққиёт ҳам бўлмайди. Ҳар қандай истиқболли лойиҳалар ижроси маблағга бориб тақалади. Шу боис, Мурожаатноманинг якунловчи олтинчи йўналиши айнан шу масалага бағишлангани айни муддао.

Унга кўра, иқтисодиётга маҳаллий ва хорижий хусусий инвестицияларни кўпайтириш учун шароитлар янада яхшиланиб, жозибали инвестиция муҳити яратилади. Шундан келиб чиқиб, марра ҳам баланд олинмоқда. Жорий йил иқтисодиётга 30 миллиард доллар сармоя, жумладан, 25 миллиард доллар хусусий инвестициялар жалб қилинади. Натижада қиймати 8 миллиард доллар ва 300 дан ортиқ лойиҳа ишга туширилади, 40 та янги йирик лойиҳа иш бошлайди.

Мамлакат иқтисодиёти ва аҳоли бандлигини таъминлашда саноат тармоқлари катта ўрин тутади. Шунинг учун сўнгги йилларда юртимизда 19 эркин иқтисодий зона ва 400 дан зиёд кичик саноат зонаси ташкил этилди. Тўқимачилик, кимё, қурилиш материаллари, чарм, фармацевтика, электр техникаси каби тармоқларни “драйвер”га айлантириш учун 3 миллиард долларлик молиявий ресурслар ажратилди. Саноатни хомашё билан таъминлаш учун геология-қидирув ишлари 3 баробар кўпайтирилиб, 600 дан зиёд янги кон аниқланди. Натижада охирги беш йилда саноат корхоналари сони 2 баробар кўпайиб, 100 мингга етди, ишлаб чиқариш ҳажми 1,4 баробарга кўпайди. Бу ҳудудлар ривожига ижобий таъсир қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан республикамизнинг барча ҳудудларида саноатни ривожлантириш, иқтисодиётни кўтариш учун қўшимча равишда яна тўртта имконият тақдим этилмоқда.

Биринчи имконият — банк нормативлари қайта кўриб чиқилиб, тижорат банкларида корхоналарга кредит ажратиш учун қўшимча 55 триллион сўм ресурслар таъминланади. Бу — битта туманда ўртача 20 миллион долларлик инвестицияга қўшимча манба, дегани.

Иккинчи имконият — 2023 йилда саноат зоналари ва йирик инвестиция лойиҳалари инфратузилмаси учун 1,7 триллион сўм йўналтирилади.

Учинчи имконият — жорий йилдан бошлаб, иқтисодий ривожланиши орқада бўлган тўртинчи ва бешинчи тоифадаги 60 туманга 27 турдаги солиқ имтиёзи, субсидия ва преференциялар берилганидир.

Тўртинчи имконият — гиламчилик, уй текстили, чарм ва заргарлик тармоқлари учун тақдим этилаётган енгилликлар. Унга кўра, 2023 йилда тўқимачилик лойиҳаларига қўшимча 300 миллион доллар йўналтирилади.

Буларнинг самараси узоқ куттирмайди, албатта. Яқин истиқболда ҳудудларнинг саноат салоҳияти ортиб, иқтисодиётимиз ривожи янада жадаллашади, экспорт имконияти тубдан кенгаяди. Таъбир жоиз бўлса, Янги Ўзбекистон рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариладиган саноат марказига айланади.

Ўтган йили 2 мингга яқин тадбиркор илк бор ташқи бозорга чиққан бўлса, ушбу рақам йил сайин ортиб бораверади. Бинобарин, жорий йилда экспорт ҳажми тарихда биринчи марта 23 миллиард доллардан ошиши, тўқимачилик, электр техникаси, чарм-пойабзал ва бошқа тайёр маҳсулотлар экспорти камида икки баробар ўсиши кутилмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг улкан мақсадлар сари дастлабки қадамлари катта билим ва тажриба тўплаш билан ташланди. Бу эса кўзланган қутлуғ манзил ва марраларга етиш имкониятини янада кенгайтириши муқаррар.

ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ

УМИД ВА ИШОНЧ МАНЗИЛИ

Байрамбек УЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жиззах вилоятидаги Халқ қабулхонаси мудири

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимиз учун хизмат қилиши керак” деган халқпарвар ғоя, умуман, юртимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотлар халқимиз тақдирида намоён бўлиб, уларнинг эртанги ёруғ келажак учун катта ишонч билан юксак марраларни кўзлаб ҳаракат қилишига замин яратмоқда.

Бошланиши 1-бетда

Аҳоли билан юзма-юз мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишларини тинглаш, муаммоларини ўрганиш, мурожаатлари билан ишлаш бугун давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланди.

Президентимиз томонидан барча раҳбарлар олдига мамлакатимизда, аввало, аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш, муаммоларини жойида ҳал этиш, одамларнинг давлатга нисбатан ишончини мустаҳкамлаш, энг асосийси, уларни ҳаётдан рози қилишнинг муҳим вазифа этиб белгилангани ўз натижасини бермоқда.

Қайд этиш жоизки, Президент Халқ қабулхоналари институти ташкил этилганидан сўнг аҳолининг долзарб муаммоларини аниқлаш, талаб ва эҳтиёжларини яқиндан ўрганиш, уларни ўз вақтида ҳал этиш имконияти пайдо бўлди. Шу жиҳатдан мазкур тизим фуқаролар муаммоларини ҳал этишнинг самарали механизми сифатида ўзини тўлиқ оқлади, дейишга барча асосларимиз бор.

Ўтган йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналарига Жиззах вилояти аҳолисидан 67 457 мурожаат келиб тушди.

Вилоятдаги Халқ қабулхоналари томонидан йил давомида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳар бир мурожаати ижроси алоҳида назоратга олингани, ташкилот ва идоралар раҳбарларининг халқ билан мулоқот тизими шаклланган боис, ушбу мурожаатларнинг 39 828 таси ёки 59 фоизи ижобий ҳал этилди. Барча маҳалла ва ҳудудларда мунтазам равишда оммавий қабуллар, ваколатли органлар иштирокида муҳокамалар ўтказилиши натижасида мурожаатлар сони 2021 йилга нисбатан 14 953 тага камайди. Мисол учун, ҳар минг кишига тўғри келган мурожаатлар сони 2021 йилда 56 тани ташкил этган бўлса, 2022 йилда 46 тага тўғри келди.

Вилоят, туман ва шаҳар сектор раҳбарларининг сайёр қабулларини тасдиқланган жадвал асосида ўз вақтида ўтказилишини Халқ қабулхоналари томонидан назоратга олиниши туфайли йил давомида 2914 маротаба сайёр қабул ўтказилди. Уларда иштирок этган 86 741 нафар аҳоли вакилининг ўрганиш учун олинган 17 390 мурожаатининг барчаси Президент Виртуал қабулхонасига “ssq”-индекси билан киритилиб, алоҳида назоратга олинди ва бу мурожаатлар бўйича Халқ қабулхоналари ходимлари фуқаролар билан қайта мулоқот ўтказди. Натижада сайёр қабулларда келиб тушган мурожаатларнинг 15 916 таси, яъни 73 фоизи ижобий ҳал этилишига эришилди.

Дўстлик тумани Ғафур Ғулом номидаги МФЙда яшовчи фуқаро Валижон Шукруллаев қабулхонага мурожаат қилиб, “Алибек Шукуруллаев” МЧЖ томонидан Мирзачўл тумани Пахтазор ШФЙдаги 12-МТМда таъмирлаш ишларини олиб боргани, бироқ шу кунга қадар келишувдаги пул маблағлари берилмагани, таъмирлаш ишларини якунига етказиш учун маблағ ажратилишида амалий ёрдам беришни сўраган эди. Мурожаат вилоят Халқ қабулхонаси назоратига олиниб, ижобий ҳал этилди, таъмирлаш ишларини якунига етказиш учун зарур бўлган 381 миллион 500 минг сўм пул маблағи ўтказиб берилди.

Вилоят Халқ қабулхонаси фуқароларни қийнаб келаётган муаммоларни ҳал қилиш, айниқса, бахтсиз ҳодиса ва табиий офатлар юзага келганда зудлик билан бартараф этиш бўйича ҳам тезкор чоралар кўриб келмоқда. Табиий офатлар содир бўлган ҳудудларда Аҳоли мурожаатларини қабул қилиш бўйича Халқ қабулхонаси штаблари ташкил этилиб, фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш амалиёти жорий этилди.

БАХМАЛ ТУМАНИДАН КЎПРИКЛАР ҚУРИШ ВА ТАЪМИРЛАШНИ СЎРАБ ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛГАН ФУҚАРОЛАР ТАЛАБИ АСОСИДА 2022 ЙИЛДА 4 ТА АВТОМОБИЛЬ ВА 1 ТА ПИЁДАЛАР КЎПРИГИ ҚУРИЛДИ.

Масалан, 2022 йилнинг 22 апрель куни Фориш тумани Эгизбулоқ маҳалласида содир бўлган кучли сел оқибатларини бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўрилди. Натижада зарар кўрган хонадонлар учун ер майдонлари ажратилиб, 20 та замонавий уй-жой бунёд этилди. Селдан қисман талафот кўрган 96 та уй-жой реконструкция қилинди. 120 ўринли мактабгача таълим ташкилоти, 540 ўринли 15-умумтаълим мактаби, қишлоқ оилавий поликлиникаси биноси ҳамда маданият саройи қайтадан таъмирланиб, замонавий кўринишга келтирилди. Электр, газ, ичимлик сув, йўл инфратузилмасидаги барча камчиликлар бартараф этилди.

Шунингдек, Зомин туманининг Навоий номидаги ҚФЙ, “Пешағор” ва “Ёшлик” МФЙлардаги аҳолидан сел оқибатлари бўйича келиб тушган мурожаатларнинг Халқ қабулхонаси томонидан назоратга олиниши натижасида селдан зарар кўрган хонадонлар учун компенсация ва моддий ёрдам маблағлари ажратишга эришилди. Хусусан, кўрилган зарар учун “Пешағор” МФЙда яшовчи Эркин Ҳазратқуловга 156 миллион 842 минг сўм, Юсуф Қорабековга 192 миллион 800 минг сўм, Нилуфар Маматовага 5 миллион сўм, Шерзод Маматкаримовга 4 миллион сўм, Навоий номидаги ҚФЙ Хатаб қишлоғида яшовчи Анорбой Мамановга 44 миллион 26 минг сўм ва “Ёшлик” МФЙда яшовчи Илҳом Ачиловга 69 миллион сўм маблағ тўланишига амалий ёрдам кўрсатилди.

Ғаллаорол тумани “Молтоб” ҚФЙ Боғишамол қишлоғида яшовчи фуқаро Абдуғани Сулаймонов ўтган йилнинг 14-15 март ҳамда 20 апрель кунлари сел келиши натижасида ҳудуддаги кўприк бузилиб кетгани, ички йўллар яроқсиз ҳолга келгани учун ушбу объектларни таъмирлашга амалий ёрдам сўраб мурожаат қилган эди. Мазкур мурожаат ҳам ижобий ҳал этилиб, 3 километрлик ички йўлларга тош-шағал ётқизилди ва Янгиқишлоқ аҳоли пунктига олиб борувчи кўприк янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, Бахмал туманидан кўприклар қуриш ва таъмирлашни сўраб Халқ қабулхоналарига мурожаат қилган фуқаролар талаби асосида 2022 йилда 4 та автомобиль ва 1 та пиёдалар кўприги қурилди. Бу каби мисолларни яна жуда кўплаб келтиришимиз мумкин.

Ўтган йил давомида 1191 мурожаат жойига чиқиб ўрганилди. Уларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётган муаммолар бўйича таҳлиллар асосида тегишли идораларга ахборотномалар тайёрланди. Бундан ташқари, ҳудудий ташкилотлар билан биргаликда мурожаатлар бўйича жойларда 201 марта семинар ташкил этилди.

ЎТГАН ЙИЛ ДАВОМИДА 1191 МУРОЖААТ ЖОЙИГА ЧИҚИБ ЎРГАНИЛДИ. УЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИГА САБАБ БЎЛАЁТГАН МУАММОЛАР БЎЙИЧА ТАҲЛИЛЛАР АСОСИДА ТЕГИШЛИ ИДОРАЛАРГА АХБОРОТНОМАЛАР ТАЙЁРЛАНДИ. БУНДАН ТАШҚАРИ, ҲУДУДИЙ ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН БИРГАЛИКДА МУРОЖААТЛАР БЎЙИЧА ЖОЙЛАРДА 201 МАРТА СЕМИНАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Фуқароларнинг мурожаатларини қонунда белгиланган муддатларда кўриб чиқишда ижро интизомини бузган масъулларга нисбатан ҳам чоралар кўрилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу борада 322 маротаба тақдимнома ва таклиф киритилди. Натижада 326 нафар масъул ходимга нисбатан тегишли чоралар қўлланилди. Уларнинг 86 нафари интизомий жазога, 2 нафари жаримага, 17 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди, 216 нафари огоҳлантирилди, 5 нафари лавозимидан озод этилди.

Халқ қабулхонаси томонидан аҳолига Янги йил арафасида кўтаринки кайфият улашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал ва Халқ қабулхоналари ҳамда сектор сайёр қабуллари орқали фуқаролардан уй-жойини таъмирлаш, соғлиғини тиклаш учун моддий ёрдам ажратиш масаласида келиб тушган мурожаатлар таҳлил қилинди. Шу асосида вилоят Халқ қабулхонаси томонидан Халқ депутатлари вилоят Кенгашига маблағ ажратиш юзасидан таклиф киритилди ва у маъқулланиб, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясида муҳокама этилди ҳамда сессия қарори асосида 1 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Энг муҳими, ушбу маблағлар Янги йил байрами арафасида Халқ қабулхоналари мудирлари, масъул идора ва ташкилот раҳбарлари билан биргаликда фуқароларга топширилди.

Вилоят ҳокими ва вилоят Халқ қабулхонаси ташаббуси билан Президент виртуал ва Халқ қабулхоналари орқали келиб тушган ҳамда ижобий ечим топмаган мурожаатларни “қайта ўрганиш” орқали ижобий ҳал этиш чоралари кўрилмоқда. Ўрганиш натижасида 20 мингга яқин мурожаат ижобий ҳал этилишига эришилди.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимиз учун хизмат қилиши керак” деган халқпарвар ғоя, умуман, юртимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотлар халқимиз тақдирида намоён бўлиб, уларнинг эртанги ёруғ келажак учун катта ишонч билан юксак марраларни кўзлаб ҳаракат қилишига замин яратмоқда.

Президентимизнинг халқимизга йўллаган Янги йил табригидаги “Жонажон Ватанимизда ҳеч бир инсон жамиятимиз ва давлатимизнинг меҳри ва эътиборидан четда қолмайди. Бунинг учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз”, деган сўзлари Халқ қабулхоналари олдида ҳали кўплаб вазифалар борлигини билдиради.

Энг асосийси, халқимиз розилиги йўлида ташкил этилган Президент Халқ қабулхоналари тобора умид ва ишонч манзилига айланмоқда. Халқимизнинг розилиги эса, ҳеч шубҳасиз, барча ютуқ ва муваффақиятларимизнинг асоси ҳисобланади.

ЭЗГУЛИК

ТАДБИРКОРНИНГ ХАЙРЛИ ТАДБИРИ

ЎНЛАБ ОИЛАГА ҚУВОНЧ, ҚАЛБЛАРГА ХОТИРЖАМЛИК ОЛИБ КИРДИ

Бошланиши 1-бетда

Олмалиқлик тадбиркор ана шундай савобли ишга қўл урибди. Гап шундаки, “Универсал ғишт савдо” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Бахтиёр Шукуров 2017 йилда шаҳардаги ётоқхона сифатида қурилган бинони харид қилади. Бинодаги хонадонлар Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 февралдаги “Давлат уй-жой фондидаги турар жойларни тақсимлаш ва фуқароларга ижара шартномаси шартлари асосида беришни тартибга солишга қаратилган норматив ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига асосан, эҳтиёжмандларга вақтинчалик яшаш учун ижарага берилган эди. Жорий йил бошида 54 хонадондан иборат мазкур бино таъмирланиб, 38 хонадони тадбиркор томонидан фуқароларга ҳадя шартномаси орқали расмийлаштириб берилди.

— Тадбиркор сифатида фаолият бошлашим ва уни кенгайтиришимда отамнинг ҳиссаси катта бўлган, — дейди Б.Шукуров. — Ўттиз йилдан буён тадбиркорлик билан шуғулланаман. Корхонамиз қурилиш материаллари ишлаб чиқариш билан бир қаторда, қурилиш фаолиятини ҳам олиб боради. Отам ҳаётлигида эҳтиёжмандларга уй қуриб беришимни кўп насиҳат қилган. Бугун раҳматли падаримнинг ўша орзусини рўёбга чиқаришга ҳаракат қиляпман. Болалигимиздан яхшиликка интилиб яшаган инсон бир амал билан икки кишини хурсанд қилади, дея уқтиришган. Улардан бири ўша яхшиликдан манфаат топган инсон бўлса, яна бири хайрли амалларнинг эгаси. Демак, ўз хурсандчилигимиз учун ҳам ўзгаларга наф келтиришимиз керак.

Ижара уйнинг ташвиши кўп. Бирда мулкдор тўсатдан уйни сотувга қўйиб, уни бўшатишни талаб қилса, бошқа пайт ўзи шусиз ҳам асосий даромадни емираётган ижара тўлови миқдори ошади. Камига уйнинг ҳали у ери, ҳали бу ерида таъмирлаш ишлари чиқиб келаверади. Барчасидан ҳам дилни оғритадигани — фарзандларингиз учун етарлича имконият яратиб беролмаслигингиз. Хуллас, ўз уйинг бўлмаса, кўнглинг хотиржам бўлиши амри маҳол.

Бахтиёр Шукуров билан боғланиш учун унинг телефон рақами, фаолиятига оид маълумотларни сўраб, шаҳар ҳокимлигидан хабар кутиб турганимизда нотаниш рақамдан қўнғироқ бўлди. Гўшакни кўтарсам, бир аёл йиғи аралаш сўзлай кетди. Маълум бўлишича, Гулноза Шарипова яқинда уйли бўлганлардан бири экан.

Одатда интервью учун суҳбатдошларни топиш қийин бўлади. Аммо Гулноза Шарипова шу мавзуни ёритмоқчи эканимизни билиб, “Менинг гапларимни ёзинг, ҳикоямни ҳам қўшинг”, дея илтимос қилди. Унинг айтарига қулоқ тутдик.

... 2011 йил. Турмуши зўрға ўтаётган аёл оғир дардга чалинган қизи билан шифохонама-шифохона даво истаб юрар эди. Шундай вақтларда иккинчи фарзанди ҳам тенгқурлари қатори гапирмади, юрмади. Эҳтимол, касаллик вақтида аён бўлмаганидан, эҳтимол, катта фарзандининг ташвиши билан андармон бўлганидан ўғлининг ногирон эканини пайқамагандир. Текширувлар, дори-дармон катта харажат талаб қилди. Фарзандлари олдидаги масъулият онани уй-жойни сотишга ундади. Бошқа чораси ҳам йўқ эди. Ота ҳовлига қайтиб бориб, ўша ерни бошпана қилди. Иккала фарзандини ҳам даволатди. Аммо ётиб еганга тоғ чидамас, деганлари рост экан. Уй сотувидан келган пулнинг ҳам таги кўриниб қолди. Аёл қараса, фарзандлари қаровга муҳтож, ҳали шифохоналарга кўп қатнаши керак. Болалар билан бўлиб, бирор ишнинг бошини ҳам тутмаган экан, гангиб қолди.

Шундай кунларнинг бирида бир аёл ёнига келиб, чет элда ишлашни таклиф қилди. Йўл харажатлари, турар жой масалаларини ўз бўйнига олишини айтди. Гулноза вазият тақозосига кўра, бунга мажбур бўлди. Фарзандларини онасига ташлаб, ишлаш учун Россияга кетди. Йўл бўйи катта даромад кўриши, тезда уй-жой қуриб, болаларини ҳеч

ИЖАРА УЙНИНГ ТАШВИШИ КЎП. БИРДА МУЛКДОР ТЎСАТДАН УЙНИ СОТУВГА ҚЎЙИБ, УНИ БЎШАТИШНИ ТАЛАБ ҚИЛСА, БОШҚА ПАЙТ ЎЗИ ШУСИЗ ҲАМ АСОСИЙ ДАРОМАДНИ ЕМИРАЁТГАН ИЖАРА ТЎЛОВИ МИҚДОРИ ОШАДИ. КАМИГА УЙНИНГ ҲАЛИ У ЕРИ, ҲАЛИ БУ ЕРИДА ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ ЧИҚИБ КЕЛАВЕРАДИ. БАРЧАСИДАН ҲАМ ДИЛНИ ОҒРИТАДИГАНИ — ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ УЧУН ЕТАРЛИЧА ИМКОНИЯТ ЯРАТИБ БЕРОЛМАСЛИГИНГИЗ. ХУЛЛАС, ЎЗ УЙИНГ БЎЛМАСА, КЎНГЛИНГ ХОТИРЖАМ БЎЛИШИ АМРИ МАҲОЛ.

кимдан кам қилмай вояга етказишни орзуларди. Мана шу сафари гўё ҳамма муаммоларига ечим, оғир кунларнинг адоғига олиб чиқадиган йўл эди. Аммо бундай бўлмади. У одам савдосининг қурбонига айланди. Икки йиллик сарсон-саргардонликлардан сўнг масъуллар ёрдами билан Ватанга қайтди. Бу ёқда шифога муҳтож фарзандлари, бир ёғи ўзи ҳам мусофирчиликдан бемор бўлиб келган эди. Зах ерлардаги оғир меҳнат ўз таъсирини кўрсатганди. Ота уйида яшаш ҳам оғир, боиси, 3 хўжалик бир жойда эди. Ижара уйга чиқишга мажбур бўлди.

— Беш йилдан буён ижарада яшаб келардим, — дейди Г. Шарипова. — Оғир операцияларни бошимдан ўтказдим. Қандли диабет безовта қилади. Биласизми, ҳар сафар шифохонага ётишдан олдин бир нарсани ўйлаб, юрагим увушарди: менга нимадир бўлса, болаларим кўчада қолиб кетмасмикан?.. Мана шундан жуда қўрқардим. Ўз уйинг бўлмаса, касал бўлишдан ҳам қўрқар экансан. Бахтиёр ака ёнимизга келиб, икки хонали уйнинг калитини топширган вақтдаги қувончимни сўз билан таърифлаб беролмайман. Чет элда қийналганларим, ижара уйларнинг азоби, адоғи кўринмас хавотирларим... Ҳаммаси кинодагидек кўз ўнгимдан ўтди. Қувончли кунлар сабаб барча кўрган заҳматларинг унут бўлади, дегани шу бўлса керак. Тадбиркордан ибрат олдим, болаларимни ҳам доимо яхшилик қилиб яшашга ундайман. Яхши ўқиб, ўзи севган касбининг эгаси бўлса, эл-юртимизга наф тегса, дейман.

Ҳозир ушбу бино Гулноза Шариповага ўхшаган кўплаб эҳтиёжмандларнинг севимли гўшасига айланди. Акбаршоҳ ва Дилбар Зокировалар ҳам бугун ана шундай бахтли оилалардан бири. Хонадон бекаси қўни-қўшни, маҳалла аҳлига кўрпа қавиб беради. Оиланинг даромади шундан. Оила бошлиғи Акбаршоҳнинг эса бирор касб билан шуғулланиб, пул топишга имкони йўқ.

Акбаршоҳ Зокиров 26 ёшга қадар барча тенгдошлари қатори соғлом эди. Аммо бирдан фалажлик бошланиб юра олмай, кейинчалик эса кўзлари ҳам нурдан қолди. Оила аъзолари 2021 йилдан буён “Универсал ғишт савдо” МЧЖга қарашли бинода яшаб келар эди. Ижара харажатларини шаҳар ҳокимлиги қоплар, оила бошқалардан фарқли ўлароқ, бу борадаги муаммодан холи эди. Аммо ҳар ким ўз уйи бўлишини орзу қилади.

— Бир жойда ўтириб қолганман, бирор юмуш билан шуғулланиб, рўзғоримга наф келтиролмайман, — дейди А.Зокиров. — Турмуш ўртоғимнинг топгани билан оила тебратамиз. Нолимайман, давлатимиз ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бор шахсларни қўллаб-қувватлайди. Шу кунгача кўплаб ёрдамлардан фойдаланганман. Айниқса, сўнгги вақтларда ногиронлик нафақасининг оширилгани ҳам кўмак бўлди. Байрамларда ҳолимиздан хабар олиб туришади. Аёлим ва боламнинг қувончи, келажагимиз учун бир уй керак эди. Мана бугун шу гўшадамиз. Бунга ҳисса қўшганларнинг барчасига катта раҳмат. Ўтган йили Президентимиз қарорига мувофиқ, “Имкониятлар маркази” фаолияти ташкил этилиши мен каби ногиронлиги борларга ҳаётда ўз ўрнини топиш учун яхши имконият бўлди. Боиси, бундай марказлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг қизиқишидан келиб чиққан ҳолда касб-ҳунарга ўқитишга кўмаклашади.

Бугун юртимизнинг барча манзилларида янги турар жойлар қуриш қўлами жадаллик билан кенгайиб бораётгани, аҳолининг уй-жой шароити яхшиланаётганига гувоҳ бўламиз. Албатта, бу каби ўзгаришлар юртдошларимизнинг бугунги кунидан розилигини таъминлаш ва эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Қолаверса, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлашга қаратилган ислоҳотлардан халқимиз ибрат олиб, имконияти етарли бўлганлар атрофидагиларга ёрдам қўлини чўзмоқда. Кези келганда таъкидлаш ўринлики, жамият ривож топишида бу каби хайрли амалларнинг ўрни беқиёс. Тадбиркор айтганидек, бундай иш яхшиликдан манфаат топганга ҳам, уни амалга оширган одамга ҳам хотиржамлик улашади.

Феруза ЖЎРАЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

БЕҲБУДИЙНИНГ ИБРАТ МАКТАБИ

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида таниқли маърифатпарвар, драматург, публицист, дин ва жамоат арбоби, жадидчилик ҳаракати етакчиларидан бири Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ҳаёт йўли ва фаолиятига бағишлаб “Маҳмудхўжа Беҳбудий мероси ва жадид матбуотини ўрганишнинг долзарб масалалари” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирнинг мақсади мамлакатимизда журналистика ва коммуникациялар соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларининг сифати ва самарадорлигини ошириш, ёш олим ва тадқиқотчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, миллий матбуотимизнинг етакчи намояндаларидан бўлган Маҳмудхўжа Беҳбудий меросини ўрганишда маҳаллий ва хорижлик олимлар ўртасидаги илмий алоқаларни мустаҳкамлашдир.

Конференцияда Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг публицистик мероси ва унинг хорижда ўрганилиши, муҳаррирлик фаолияти, жадид матбуотининг миллий журналистикада тутган ўрни ва аҳамияти, ўрганилмаган саҳифалари, тил ва услуб, жанр ва маҳорат, ҳуқуқ ва халқаро масалалар, жадид адабиётининг хориждаги тадқиқи каби қатор масалалар муҳокама этилди.

— Маҳмудхўжа Беҳбудий шахси, халқ ва миллат учун қилган беқиёс хизмати ҳақида шунчаки гапириб бўлмайди. Боиси, унинг ниҳоятда мураккаб даврда кечган машаққатли ҳаёт йўли, сиёсий, илмий, ижодий фаолияти ғоят кенг, сермазмун ва серқирра. Шунинг учун Маҳмудхўжа Беҳбудий мероси адабиёт, тилшунослик, диншунослик, сиёсат, тарих, фалсафа, география каби қатор фанлар доирасида ўрганилган. Миллий ва хорижий илм-фанда жуда кўп тадқиқотлар яратилган. Бундан, табиийки, матбуот, журналистика соҳаси ҳам мустасно эмас. Чунки Маҳмудхўжа Беҳбудий миллий мустақиллик учун қилган барча саъй-ҳаракатларини матбуот орқали амалга оширган, — деди Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори, профессор Шерзодхон Қудратхўжа. — 1906 йилда “Русия мусулмонлари иттифоқи”нинг Нижний Новгородда ўтказилган қурултойида жадид бобомиз ўзбек зиёлиларидан биринчи бўлиб иштирок этган ва нутқ сўзлаган. Мухторият шўролар томонидан ваҳшиёна бостирилгач, Беҳбудий 1919 йилнинг эрта баҳорида мамлакатдан чиқиб кетаётганида Шаҳрисабзда инқилобий фавқулодда комиссия айғоқчилари кўмагида Бухоро амирлиги одамлари томонидан қўлга олинади. Қаршида зиндонга ташланади ва қатл этилади. Унинг қабри қаердалиги номаълум. Маккор тузум миллий матбуотимиз асосчиси, бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудийни жисман маҳв этгани билан маънан йўқ қила олмади. Унинг ҳаёт йўли биз учун ибратдир.

Беҳбудий умри давомида публицист сифатида юзлаб мақолалар ёзди. Миллат ва Ватан, жамият ва ахлоқ ҳақидаги қарашларини кўпроқ мақолаларида ифода этди. Жадидшунос олим Бегали Қосимов “Беҳбудийнинг мақолалари ададини 200, бошқалар 500 деб белгилайди, аммо барча ёзганлари ҳисоблаб чиқилмаган, ҳатто аниқланмаганлари қанча. Ҳар қандай ҳолда Беҳбудий ғоят сермаҳсул қаламкаш эди. Муҳими шундаки, унинг миллат ва Ватан тақдири ҳақидаги қарашлари, аввало, мана шу мақолаларида акс этган”, деб ёзган эди.

Президентимиз таълим-тарбияда жадид боболаримизнинг бой меросидан фойдаланиш хусусида сўзларкан, жумладан, шундай деганди: “...Етук кадрларни тайёрлашда, энг аввало, ўзимизнинг бой маънавий меросимизга таянсак, албатта, натижа бўлади. Бу борада жадидлар, ...улуғ аллома ва публицист Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг миллий журналистика мактаби, айниқса, муҳим аҳамиятга эга”. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабалари учун Беҳбудий номидаги стипендияни таъсис этиш таклифини илгари сурганди. Бу, ўз навбатида, миллий журналистиканинг тамал тошини қўйган жадид боболаримизнинг ҳаёти ва ижоди, миллат ва мамлакат равнақи йўлидаги заҳматли ва шарафли хизматини ўрганишга яна бир туртки бўлди.

Шу мақсадда университетда Маҳмудхўжа Беҳбудий номидаги жадид матбуоти илмий мактаби ташкил этилиб, талабалар учун Беҳбудий номидаги стипендия таъсис қилинди. Келгусида талабалар жадид матбуоти ва унинг намояндалари фаолиятининг ўрганилмаган саҳифаларини тадқиқ этади. Улар ҳақида мақолалар, журналистик асарлар яратади, битирув-малакавий ишлари, магистрлик, докторлик диссертациялари ёзади.

— Жаҳон маданияти, тарихи тамаддунига улкан ҳисса қўшган, қолаверса, баъзи фан соҳаларида ўзининг тамал тошини қўйган не-не давлат арбоблари, адабиёт, санъат намояндалари, ёзувчилар, шоирлар, миллат зиёлилари Ватанимизда туғилган. Улар халқимизнинг ҳужжати, паспорти, десак янглишмаган бўламиз, — деди Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи директори, тарих фанлари доктори, профессор Бахтиёр Ҳасанов. — Маҳмудхўжа Беҳбудий шундай инсонлардан эди. У юртимиздаги жадидчилик, миллий уйғониш ҳаракатининг йўлбошчиларидан бири бўлган.

Бугунги кунда Беҳбудийнинг ҳаёти, фаолияти, Ватан учун қилган хизматларини ўрганиш жуда катта аҳамиятга эга. Чунки бу тарихий хотира билан боғлиқ. Беҳбудий публицистик мақолаларида таълимга катта эътибор қаратган. Энг аввало, олий таълим, кейин эса эски мактаблар ўрнида янги усул мактабларини очиш зарурлигини таъкидлаган. Бир қатор дарсликлар ёзган. Жуғрофия, астрономия, кимё, математика ва бошқа дунёвий фанларни ўргатиш зарурлигини мақолаларида бот-бот такрорлаган. Маърифат учун биргина таълимга эътибор қаратиш камлик қиларди. Шу боис, аллома миллат учун кўзгу вазифасини ўтайдиган театр ва матбуотга ҳам алоҳида урғу берган.

Тадбирда Маҳмудхўжа Беҳбудий ва жадид матбуотига оид бой мерос ва анъаналарни ўрганиш, мамлакатимиз ва хорижий давлатларда бу борада олиб борилаётган илмий тадқиқотлардан хабардор бўлиш, келгусида хорижлик мутахассислар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЮКСАЛИШ ПАЛЛАСИ

БУ ЙИЛГИ НАТИЖАЛАР ЎЗГАЧА БЎЛАДИ

Хайрулла САТТОРОВ,
“Ёшлар — келажагимиз” жамғармаси ижрочи директори

“Ёшлар — келажагимиз” жамғармаси жамоаси ўтган бир йилда вақтини мазмунли ўтказиши, касб-ҳунар ўрганиши ёки ўзи истаган соҳада турли билимларни эгаллаши учун йигит-қизларга ҳар томонлама кўмаклашди, куч-ғайратини аямади.

Йигирмадан ортиқ йўналишда фаолият олиб борди. Жумладан, ўтган йили тадбиркорлик уюшмалари, вазирлик ҳамда тижорат банклари билан ҳамкорликда ёш тадбиркорлар лойиҳаларини молиялаштириш орқали 80 мингдан ортиқ йигит-қизга ўз бизнесини йўлга қўйишга ёрдамлашилди. Натижада уларнинг 1 триллион 998 миллиард 49 миллион сўмлик бизнес лойиҳалари молиялаштирилди. Жойларда тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидаги ёшларнинг билимини ошириш мақсадида малакали мутахассислар томонидан 800 бизнес семинар ташкил этилиб, уларга қарийб 15 мингга яқин йигит-қиз қамраб олинди.

Халқаро даражадаги бизнес тренер ва экспертлар, муваффақиятга эришган тадбиркорлар иштирокида мотивацион тренинг, учрашувлар ташкил этилиб, уларда 26 мингдан зиёд ёшлар қатнашди. Ёшларни тадбиркорликка йўналтириш, бизнес юритиш кўникмасини шакллантириш, ғоя ва лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиши учун кўмаклашиш мақсадида мамлакатимиз бўйлаб “Бизнес марафон”нинг учинчи мавсуми ташкил этилди. Унга 40 мингдан зиёд ёшлар жалб этилди.

Бизнесини йўлга қўймоқчи бўлган 18 мингдан зиёд йигит-қизга ҳуқуқ, бухгалтерия, маркетинг, брендинг, банк, суғурта, меҳнат ва бошқа соҳаларда консалтинг хизматлари кўрсатилди. Тадбиркорлик ва ҳунармандчиликка қизиққан қорақалпоғистонлик ёшлар учун ҳудудлардаги ишбилармонлар ва ҳунармандлар фаолияти билан танишув ташкил этилди. Хусусан, Тошкент шаҳрида ахборот технологиялари, архитектура ва дизайн, Наманган вилоятида эса текстиль-трикотаж, чарм саноати бўйича ўқув-семинар, маҳорат дарслари, бизнес саёҳатлар ташкил этилди. Ушбу тадбирларда ёшлар бизнес юритиш кўникмаларини ошириш, шунингдек, ҳамкорлар топиш имкониятига эга бўлди. Умумий ҳисобда ўтган йили амалга оширилган лойиҳа ва тадбирларда 800 минг нафардан зиёд йигит-қиз иштирок этди.

Тўғри, бир қарашда юқоридаги натижалар унчалик ҳам салмоқли эмас. Аммо “Тома-тома кўл бўлур” деган нақл бежиз айтилмаганига ишонамиз. Ҳозир ҳаракатдан тўхтамасак, мақсад сари илдамласак, бас, марра бизники. Қолган ишлар, албатта, бўлади. Бу йилги асосий мақсадларимиздан бири ҳам айнан шу: кўпроқ ёшларни касб-ҳунарли қилиш, жамиятда ўз ўрнини топиши, янги марраларни забт этишига кўмаклашиш. Токи орзуси сари олға юраётганлар ёнида суянчиғи борлигини ҳис этсин.

Президентимиз ўтган йили 20 декабрь куни Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида, жумладан, бундай деди: “Шу юртда яшаётган ҳар бир инсоннинг тинч ва бахтли ҳаёт кечириши,

унинг соғлиғи жойида бўлиши, яхши таълим олиши, оиласини тебратиши учун қандай шароит керак бўлса, ҳаммасини яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз ва бу йўлдан асло тўхтамаймиз”. Хусусан, энг катта инвестиция киритиш зарур бўлган таълим соҳасини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, таълим сифатини ошириш Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона йўлидир.

Айни пайтда жамғармамиз ҳам шу йўлда фойдали ишларни амалга оширишни мақсад қилган. Жорий йил якунига қадар ёшлар даврасига халқаро миқёсда юқори нуфузга эга нотиқларни жалб қилган ҳолда, турли мотивацион тадбирлар ўтказиш, ёш тадбиркорларнинг халқаро форум ва ярмаркалардаги иштирокини таъминлаш, халқаро меҳнат бозорига чиқишига кўмаклашиш режалаштирилган. Келгусида тегишли соҳада малакали мутахассис бўлиб етишиши, жумладан, тадбиркорликка ўқиши учун мамлакатимизда юқори натижаларга эришган мутахассисларни жалб этган ҳолда машғулотлар ўтказилади. Битирувчиларда тадбиркорлик кўникмасини шакллантириш мақсадида барча ҳудудлардаги олий таълим муассасалари базасида бизнес акселераторлар ташкил этилади. Шунингдек, уларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоя ва лойиҳаларини амалга оширишга кўмак бериш, жумладан, бизнес режалар ишлаб чиқиш, маслаҳат, юридик, бухгалтерия ва бошқа хизмат турлари кўрсатиш, форумлар, маҳорат дарслари ва семинарлар ташкил этиш режалаштирилган.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун бугун бизда барча имконият ва салоҳият мавжуд. Мамлакатимиз олдида улкан марраларни забт этиш вазифаси турибди. Бунда ёшларнинг ҳам ўзига хос ўрни ва ҳиссаси муҳим. Шу боис, уларга ҳар томонлама ёрдам беришда давом этамиз. Бу йилги натижалар ўзгача бўлишига ишонамиз.

ЯНГИЛАНИШ ОДИМЛАРИ

Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожи ҳаётимиздаги кўплаб соҳаларга таъсир кўрсатди. Барча жабҳага рақамлаштиришнинг кириб келиши, юқори суръатдаги тараққиёт саноатнинг жадал равнақида муҳим аҳамиятга эга. Зеро, дунё мамлакатлари тажрибасида илмий тадқиқотлар, ахборот технологиялари, стартап ғоялар, компьютер саводхонлигига катта эътибор берилади. Бизнинг олдимизда ҳам шу йўл турибди: фақат илм-фан ютуқлари ва янги технологиялар орқали юқори иқтисодий тараққиётга эришишимиз мумкин.

РАҚАМЛИ ТАЪЛИМ РИВОЖИ

ҚУЛАЙЛИК ВА ИМКОНИЯТЛАРГА ЙЎЛ ОЧАДИ

Рихси ИСАЕВ,
“Меҳнат шуҳрати” ордени соҳиби, профессор

Ўтган асрдаги оламшумул кашфиётлар кўп жиҳатдан инсоннинг интеллектуал салоҳиятига асосланиб амалга оширилган бўлса, бугун илм-фан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида шаклланмоқда. Мамлакатимизда барча соҳада эришилаётган натижалар ахборот технологиялари ва телекоммуникация тизимининг ҳам ривожланишига асос бўлаётир.

Мамлакатимизда рақамлаштиришга оид бир қатор қонунларнинг қабул қилиниши соҳадаги муайян ютуқларга эришишга асос бўлди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги, “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги ва “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонунларини мисол сифатида келтириш мумкин.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг бакалавриат босқичида қўшимча йўналишлар ташкил этилиши олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ўқув, илмий-услубий ишлар даражасининг юқори босқичга чиқишини таъминлади. Маҳаллий ва хорижий олий таълим муассасалари билан келишув асосида имзоланган меморандумлар бўйича ҳамкорликда кўплаб илмий тадқиқот лойиҳалари амалга оширилди.

Университетда телекоммуникация ва ахборот-коммуникация технологиялари йўналишида давлатимизнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жабҳаларида иш юритиш, халқаро ҳамкорлик, ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш, рақамли иқтисодиётни яратиш ва ривожлантириш йўналишида кадрлар тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, ўтган вақтда электрон кутубхоналарни ташкил этиш ва унга хизмат кўрсатиш, компьютер технологиялари, мультимедиали хизмат тизимлари ва бошқа йўналишларда етук кадрлар, соҳа бўйича малакали педагоглар тайёрлаш тизими йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, университет фаолияти кенгайиб, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети тасарруфидаги Нукус, Урганч, Қарши, Самарқанд, Фарғона ва Нурафшон филиаллари ташкил этилди. Бу даргоҳлар бакалавр, магистр, докторант ва мустақил изланувчиларни тайёрлаш, илмий изланишлар асосида диссертация ишларини ёқлаш бўйича фаолият юритмоқда.

Телекоммуникация ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида сифатли мутахассислар тайёрлаш жараёнини жадаллаштириш мақсадида олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича кластер тизимига ўтиш учун илмий, услубий ва амалий ишлар ташкил этилди. Телекоммуникация операторлари, провайдерлари, давлат ташкилотлари ва жамиятлар билан узлуксиз муносабатлар ривожлантирилди.

Бу тизим давлатимизнинг телекоммуникация ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида дунё миқёсида ривожланишига, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маърифий йўналишларда нуфузли ўринларни эгаллашига асос бўлди. Ўзбекистон МДҲ давлатлари орасида барча соҳа ва тармоқлардаги инновацион ривожланиш йўли орқали охирги 6 йилда янги ривожланиш босқичига ўтди. Айниқса, бу ислоҳотларнинг самараси ахборот технологиялари соҳасида ўз ифодасини топди.

2023/2024 ўқув йилидан бошлаб, асосий мутахассисликларни кластер тизимига ўтказиш, ўқув жараёнини мукаммал шароитда олиб бориш, университетнинг ўқув корпусларини талаб даражасига келтириш, талабалар чуқур билим олиши учун замонавий ўқув-илмий лаборатория ташкил этиш, мутахассислик бўйича телекоммуникация ва ахборот-коммуникация технологиялари йўналишидаги асосий компаниялар, ташкилот ва корхоналарда амалиёт дарсларини сифатли ташкил этиш бўйича ишлар олиб бориляпти.

Бу йўналишларда “Ўзбектелеком” АЖ, “Ўзбекистон почтаси” АЖ, “Uzmobile”, “Ucell”, “Beeline”, “UMC” компаниялари, “Киберхавфсизлик маркази”, “Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази”, “Ўзинфоком” ва бошқа ташкилотлар билан узвий ҳамкорлик шартномалари имзоланмоқда.

Президентимиз ўтган йили 20 декабрь куни Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида 2023 йилга “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб ном беришни таклиф этди. Таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларни жадал ривожлантириш, ўқитиш сифатига янгича муносабатда бўлиш ҳақида сўз юритиб, жумладан, бундай деди: “... Соҳада бошлаган ислоҳотларимизни давом эттиришимиз, таълим даргоҳларига бориб, ўқитувчи ва мураббийлар билан кўпроқ мулоқот қилиб, ўқув-тарбия ишлари сифатини ошириш бўйича улар қўйган масалаларни биргаликда ҳал этишимиз керак”.

Мамлакатимизда АКТ бўйича малакали кадрлар тайёрлаш борасида аниқ қадамлар қўйилмоқда. Бу эса келажакда соҳа ривожига катта ҳисса қўшади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН



yuz.uz_news

МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

САМАРҚАНД ОБИДАЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТГАН БИРИНЧИ ПРОФЕССОР

ЁХУД БУХОРО ЖУМҲУРИЯТИ МАОРИФ ВАЗИРИНИНГ МИЛЛИЙ “ХАТОЛАРИ”

Баҳром ИРЗАЕВ,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Бухоро жадидларининг ёрқин намояндаси, тарихчи олим, профессор Мусо Саиджонов таваллудига бу йил 130 йил тўлади. Айни пайтда Давлат хавфсизлик хизмати архивида “Мусо Саиджонов ва бошқалар” деб номланган кўп жилдлик жиноят иши сақланади. Унда ушбу тарихчи олим билан бирга укаси Мухторжон Саиджонов, Муинжон Аминжонов, Ота Хўжаев, Саттор Хўжаев, Наим Ёқубзода, Мазҳар Бурҳонов, Макаммил Бурҳонов, Муаммар Бурҳонов, Мисбоҳ Бурҳонов, Абдурашид Мукаммилов, Раҳматилла Музаффаров, Ҳамро Хўжаев, Порсо Хўжаев, Аҳмаджон Абусаидов, Абдураҳим Юсуфзода, Абдулла Абдуллаев каби жами 17 нафар собиқ “Ёш бухороликлар” етакчилари ягона жиноят иши доирасига жамланган.

Уларнинг барчаси Бухоро зиёлиларининг етакчилари бўлиб, БХСРда раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатган. Қуйида таниқли жамоат ва давлат арбоби Мусо Саиджоновнинг қисқа, аммо сермазмун ҳаёти, миллат маърифати, илм-фан равнақи йўлидаги фаолияти ва аччиқ қисмати ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Халқнинг оғир турмушидан бохабар жадид изтироблари

Кўҳна Бухоронинг Арабон гузарида яшаган қоракўл савдогари Саидбой ўз замонасининг моҳир тужжорларидан бўлиб, Россия, Хитой каби давлатлар билан кенг савдо ишларини йўлга қўйган эди. Саидбойнинг тўрт ўғли бўлиб, Йўлдошбой, Нарзуллобой, Авазбой қоракўл савдоси билан, кенжа Муҳаммад Юнусбой эса ипак тижорати билан шуғулланган. Тўнғич ўғил Йўлдошбойнинг биринчи хотини хўжандлик Ҳалимаой, иккинчиси хитойлик дунган қизи Тўхтаой эди.

Дастлаб Тўхтаойдан Қурбон, сўнг 1893 йил баҳорида Ҳалимаойдан Мусожон ва 1893 йил қишида Тўхтаойдан Мухторжон дунёга келади. Мусожон ва Мухторжон дастлаб гузар масжиди қошидаги мактабда савод чиқаради. Ака-ука етти ёшга кирганида отадан етим қолади. Сўнг акаси Қурбоннинг васийлигида Мир Араб мадрасасида мулла Абдусаломдан таҳсил олади. Шундан сўнг Бухоро яқинидаги Когон (Каҳкон) шаҳрида 1894 йил очилган рус-тузем мактабида ўқишни давом эттиради.

Бу мактаб мудири кейинчалик машҳур археолог бўлиб танилган В.Л.Вяткин эди. Ака-ука Саиджоновлар мактаб дастури орқали рус адабиёти, матбуоти, жумладан, “Таржимон” газетаси билан танишади. Аниқ ва табиий фанларни ўзлаштириб, 1908 йил баҳорида гувоҳномани қўлга киритади. Сўнг икки йил давомида амакиси Муҳаммад Юнус қўлида Карки ва Марғилон орасида қоракўл ва ипак савдосини йўлга қўяди. Айни пайтда халқнинг оғир турмуш шароити, дунё янгиликларидан хабардор бўлган жадидлар изтироб чекиб, хайрли ва эзгу ишларни режалаштира бошлайди.

Бу вақтда улар бухоролик тараққийпарвар Абдувоҳид Бурҳонов ва унинг дўсти Садриддин Айний билан танишади. 1908 йил 5 ноябрь куни Абдувоҳид Бурҳонов ўз ҳовлисида жадид мактабини очади.

“Кутубхонаи маърифат”нинг жасоратли қадамлари

1909 йил мартида Бухоро жадидлари ўртада пул ташлаб, “Бухорои Шариф” нашриёт ширкатини тузади. Унда жадид мактаблари учун китоблар чоп этилади. Бироқ мулла Икромиддин Ўроқнинг ҳимоясига қарамай, мулла Абдурозиқ бошлиқ қадимчиларнинг қаршилиги авж олади. Зиддиятлар остида бўлса ҳам, жадидлар сафи кенгайиб борди. Тараққийпарварларнинг “Тарбияи атфол” жамияти 1908 йил 14 кишини Туркияга ўқишга йўллади. Улар орасида Мирзо Сирожиддин, Мирзо Нарзулло, Муинжон Аминжонов ҳам бор эди. Кейинги йил Мансуров, Ёқубов ва Садри Зиё ҳомийлигида Фитрат, Ота Хўжа, Усмон Хўжа, Ҳошим Шойих, Муқимбек, Абдулазиз махсум, Содиқ Ашур, Содиқ Ализода, ака-ука Бурҳоновлар кетади.

Мусо Саиджонов Бухорода “Ширкати маориф” ва унинг қошида “Кутубхонаи маориф” очиб, мудирлик қилади. 1909-1913 йилларда Туркиядаги талабаларнинг “Бухоро таълими маориф” жамияти билан ҳамкорликда улкан ишларни амалга оширади. Кўплаб газета-журналлар келтиради, китоблар чоп этади. 1912 йил мартида “Бухорои Шариф”, шу йилнинг ёзида “Турон” газеталари дунё юзини кўради. Мусожон жадид мактабларида Бухоро келажаги бўлган ёшларга илм-маърифат улашиш билан банд бўлади.

Айни пайтда Бухоро тарихи акс этган асарларни диққат билан ўрганади. 1914 йилга келиб “Ёш бухороликлар”нинг Фитрат бошчилигида сўл қаноти ҳам шаклланиб, улар радикал ўзгаришларни талаб қила бошлайди. Мусо Саиджонов, Мунзим, Садриддин Айний кабилар тинч йўл билан бориш тарафдори эди. Мусожон “Ширкат-Баракат” жамиятини очиб, Ф.Хўжаев ҳомийлигида катта бинони ижарага олади ва 1915 йилда “Кутубхонаи маърифат” жамиятининг раислигига сайланади.

1917 йил февраль охирида Мусо Саиджонов билан Фитрат биргаликда Россия муваққат ҳукуматига Амир Олимхонни сиёсий ислоҳотларга мажбур этиш тўғрисида илтимоснома ёзади. 1917 йил 17 март куни Арқдаги йиғинда Маҳмудхўжа Беҳбудий билан Когон шаҳридаги “Шўрои ислом” жамияти бош котиби Мусожон Саиджонов ҳам иштирок этади. Ў 1917 йил апрелда Бухородаги жадидлар томонидан уюштирилган намойишга қарши чиққан эди. Бироқ 1918 йил мартда содир этилган Колесов воқеасидан кейин кўпгина ёшлар қаторида Бухорони тарк этишга мажбур бўлади.

Ўқитувчилар тайёрлайдиган биринчи дорулмуаллиминлар

Мусо Саиджонов 1919 йилнинг баҳорида Тошкентда Афғонистон элчихонасида таржимон бўлиб ишлаётган Фитрат билан учрашади ва муаллимлик курсини битириб, Хўжандга қайтади.

1920 йил баҳорида эса Хўжанддан бир гуруҳ ўқувчиларни Самарқанд педагогика билим юртига олиб келади. Самарқандда янги очилган дорулмуаллиминда муаллимлик ҳамда мудирлик қилади.

1920 йил августида Мусо Саиджонов “Ёш бухороликлар” топшириғи билан Чоржўйга келиб, партия фаолиятини жонлантиради. 4 сентябрь куни қирғинбаротлардан сўнг вайронага айланган Бухорога кириб келади. “Ёш бухороликлар” ўзларининг советлар типидаги янги ҳукуматини шакллантира бошлайди. Мусожон Саиджонов 1920 йил сентябрь — 1921 йил март ойларида Бухоро Халқ Жумҳурияти озиқ ишлар нозири бўлди. 1921 йил март-август ойларида Бухоро Жумҳурияти иқтисодиёт нозирининг ўринбосари вазифасида ишлайди. 1921 йилнинг август-сентябрь ойларида Фавқулодда комиссия (ЧК) раиси, 1921 йил октябрдан 1922 йил январь ойигача давлат назорати нозири, 1922 йил февраль-апрель ойларида молия нозири, 1922 йил октябрдан 1923 йил ёзигача Халқ Хўжалик Олий Кенгаши раиси муовини лавозимларида иш олиб борди. 1923 йил июндан эса БХСР маориф нозири этиб тайинланади.

Мусо Саиджонов қайси вазифада бўлмасин, жадид тараққийпарвари бўлиб қолди. У қолоқ Бухоро заминида қадимдан равнақ топган илм-маърифат машъаласини қайта алангалатиш йўлида тинимсиз кураш олиб борди. У ишни ўқитувчилар тайёрлайдиган дорулмуаллиминлар очишдан бошлади. Унинг талаби билан 1923 йил мактаб маориф ишига амалдаги 8 фоиз эмас, давлат бюджетининг 25 фоиз маблағи ажратилди. Маориф нозири вақтида ўзи ҳам олим сифатида профессор И.И.Умняков, профессор А.Н.Самойлович, В.В.Бартольд кабилар билан ҳамкорлик қилди.

Янги давлатда маориф муассасаларини ташкил этиш, илмий жамиятлар тузишда фаол қатнашди, меъморий обидаларни муҳофаза қилиш, тарихий қўлёзмаларни тўплаб, уларни тартибга солиш, халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплаш каби ишларда жонбозлик кўрсатди. Мусо Саиджонов бухоролик талабаларни Германияга ўқишга юбориш ташаббускорларидан бири бўлди ва иқтидорларни танлаб, Берлиндаги Бухоронинг вакили Абдувоҳид Бурҳонов, Мунзим ҳамда Олимжон Идрисийга топширади.

Мусо Саиджонов Бухоро Жумҳурияти эрки ва озодлиги учун жиддий курашган зотлардан. Аввало, “Миллий иттиҳод” ташкилоти фаолиятида Мунаввароқори Абдурашидхонов, Аҳмад Заки Валидий, Анвар пошо билан яқин алоқада бўлган. Советлар Файзулла Хўжаев ва Абдуқодир Муҳиддинов ўртасида зиддиятларни ташкил этади. Сохта жиноий ишлар очилиб, Бухоро мустақиллиги учун курашган кўплаб одамлар отиб ташланди. 1923 йил ёзида Файзулла Хўжаевнинг кўплаб собиқ сафдошлари Бухоро ҳукуматидан четлаштирилади.

Мусо Саиджонов ҳам ўз уйини Бухоро шаҳар умумий хўжалигига (комхоз) топшириб, ҳукуматда маориф нозири сифатида қолишга эришади. 1925 йилда Советларнинг Бутуниттифоқ учинчи съездида иттифоқ таркибига киришни расмийлаштириш комиссиясида иштирок этди. Бироқ шундан сўнг ҳукумат ишидан бутунлай чекиниб, қолган ҳаётини тарихчи сифатида фақат илмий тадқиқотларга бағишлайди.

Тортишувларга сабаб бўлган “Соҳибқирон юришлари”

Мусо Саиджонов Ўзбекистон ССР ташкил этилгач, 1926 йилдан Узкомстарсиснинг Бухоро бўлимига раис, 1927-1928 йилларда вилоят халқ таълими бўлими мудири лавозимларида ишлаган. Европа қадимшунослари XIX асргача Бухородаги обидаларнинг энг қадимини Амир Темур даври билан боғлар эди. Ҳатто В.В.Бартольд ҳам Сомонийлар мақбарасининг X асрга оидлигини ривоятдан бошқа нарса эмас, деганди. Мусо Саиджонов вақф ҳужжатлари асосида мақбаранинг IX асрга оидлигини исботлаб берди. Шунингдек, “Бухоро дарвоза ва масжидларининг вақфи”, “Сайфиддин Боҳарзий мақбараси ва унинг вақф мулклари” илмий асарларини яратади.

Мусо Саиджонов 1928 йил пойтахт Самарқандга чақирилди ва Ф.Хўжаев томонидан Ўзбекистон Осори атиқаларини ўрганиш ташкилотига раис этиб тайинланади. Бу даврда Бибихоним, Гўри Амир, Шоҳизинда каби ўнлаб ёдгорликларни ўрганди ва “Самарқанд меъморий ёдномалари” асарини ёзиб тугатди. Айниқса, унинг фидокорона фаолияти боис, аллақачон йўқолиб вайронага айланиб кетган Кўчкунчихон мақбараси ва мадрасаси ҳам аниқланди. В.Л.Вяткин билан ҳамкорлиги жуда самарали кечди. Мусо Саиджонов 1929 йил “Гўри Амир” (Амир Темур мақбараси) китобини чоп этди. Асар ўқувчига Соҳибқирон Амир Темурнинг музаффар юришлари, тарихий иншоотлар маҳобати, усталар маҳоратидан сўзлайди. Албатта, бу эътироф кўпчиликнинг ғашини келтиради. Бироқ фидойи олим бўш келмайди. Гўри Амирнинг қурилиш сабаблари, Клавихонинг у ҳақдаги эсдаликларини келтиради. Зарҳал кошинлар, бинодаги ёзувлар, қабртош битиклари билан таништиради. Асарнинг 1929 йил 9 апрелда якунлангани муаллифнинг Соҳибқирон таваллудига ўзига хос совғаси эди.

Сафдошларига хиёнат қилмаган олим сабоқлари

Мусо Саиджонов 1932 йилдан қўмитанинг Самарқанд бўлими раиси вазифасини бажаради. 1934 йил августида матбуотда чоп этилган “Эски масжид гумбазлари остида” номли бўҳтондан иборат мақола туфайли М.Саиджонов фаолиятига нисбатан тазйиқлар бошланади. Мусо Саиджонов 1935 йил 15 сентябрда ўзбек олимларидан биринчи бўлиб шарқшуносларнинг Ленинградда бўлган учинчи конгрессида “Самарқанд обидалари тарихидан янги маълумотлар” номли маърузаси билан қатнашиб, катта шуҳрат қозонади ва илмий фаолияти учун олимга профессор унвони берилади. Ушбу эътирофдан сўнг куюнчак ва жонкуяр олим атрофидаги ғаламисларнинг “пайтавасига қурт тушади”. Улар Мусо Саиджоновнинг миллий “хатолари” ҳақида бўлар-бўлмас туҳматлар уюштира бошлайди. Мавжуд тузумга қарши олиб бораётган тадқиқотларининг авра-астарини ағдариб, айб тақашади.

Мусо Саиджонов 1937 йил 30 мартда қамоққа олинади. Бу вақтда унинг оила аъзолари — қизи Самарқанд медицина институти талабаси Севара (20 ёш), ўғиллари — Тошкент молия билим юртида ўқиган Нарзулла (18 ёш), 13 ёшли Ҳабибулла ва 9 ёшли Улуғбек онаси Ҳалима Полвоновна Саиджонова (68 ёш) билан Бухорода яшарди. Ўзи турмуш ўртоғи Ризвон Нарзуллаевна (44 ёш) ва 3 ёшли ўғли Салимжон билан Самарқандда яшаган. 1937 йил 13 апрель куни чиқарилган қарорда Мусо Саиджоновга ўзбек давлатчилиги тарихий масалаларини нохолис тадқиқ қилган, миллий маданий меросга ҳурмат билан ёндашган, “Миллий иттиҳод” ташкилоти фаолиятига қатнашган каби айбловлар тиркалади. 1937 йил 5-14 апрель кунлари мунтазам қийноқлар остида ўтган сўроқларда Мусо Саиджонов ўзининг ҳеч қачон айб иш содир этмаганини тушунтиради. Жумладан, Анвар пошонинг Бухорога келиши қизил армиянинг ваҳшатлари оқибати эди, дейди. 1937 йил 28 апрель куни “Миллий иттиҳод” ташкилоти фаолиятига бағишланган сўроқда Мусо Саиджонов ўзига ҳам, бирор сафдошига ҳам бўҳтон тошини отмади. Аксинча, бундай ташкилотнинг амалда ҳеч қачон бўлмаганини айтиб туриб олди.

1937 йил 11 май кунги сўроқ, асосан, хоразмлик жадид тараққийпарвари Бегжон Раҳмон масаласига бағишланади. Мусо Саиджонов Бегжон Раҳмонни 1929 йилдан Самарқандда яшаганини хотирлаб, “...1932 йилнинг охирида пенсияга чиқиш учун Тошкентга кетган эди. Бегжон нафақани ҳал қилсам, Хоразмга қайтиб ўша ерда яшайман, деганди. Унинг нарсалари ва кутубхонаси менга қолди. Бегжон Раҳмон менга хат йўллаб, нарсаларимни Ҳоди Зарифга юбор, деганди. Аммо 1933 йил Пўлот Солиев Бегжонни Тошкентда кўрганда, у Чоржўйда хотининнинг қотилини топганини ва уни ўлдиришга кетишини айтган экан. Мен 1934 йил унинг кутубхонасини тўлиқ Фан комитетига топширдим. 1935 йил М.Харратовни кўрганимда, у Бегжонни НКВД тутиб қамади, деган эди. Шокир Сулаймон бўлса, хивалик Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раисидан Бегжоннинг Тошкентда руҳий хасталиклар шифохонада ўлганини эшитган экан. Бегжон Тошкентда Ғози Олим Юнусовнинг уйида турган. 1935 йил Ғози Олим Самарқандга келганида сўнгги вақтларда ниҳоятда саросимада бўлиб, оғир бир психологик ҳолатда эди. Кейин қаергадир кетиб қайтиб келмади, деган эди...”, деб эслайди.

Узундан-узоқ тутуриқсиз сўроқларда Мусо Саиджоновга қўйилган бирорта айблов исботи мавжуд эмас. Бутун ҳаётини Ватан равнақи, илм-маърифат тараққиёти учун бағишлаган фидойи олим шўро малъунлари қўлида жисмоний қийноқлар, маънавий таҳқирлар билан тўла бўҳтон асосида 1937 йил 14 октябрда машъум “учлик” томонидан отувга ҳукм этилди.

1939 йил 1 сентябрь куни Бухоро шаҳри Ислоҳот гузари 96-уйдан Ризвон Саиджонова турмуш ўртоғи Мусо Саиджоновнинг қисмати ҳақида Ўзбекистоннинг масъул идораларига ариза билан мурожаат қилади. Бироқ ҳеч қандай жавоб қайтарилмайди. Ризвон Саиджоновнинг 1956 йил 12 сентябрдаги аризасига Мусо Саиджонов 10 йил муддатга қамоққа ҳукм қилингани ва 1944 йил 25 октябрь куни жазони ижро этиш даврида вафот этгани ҳақидаги ёлғон-яшиқдан иборат жавоб қайтарилган.

Мусо Саиджонов 1965 йил 2 декабрда оқланган.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-146.
14144 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Мухтасар Тожимаматова
Мусаҳҳиҳ: Рашид Хўжамов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 22:21 Топширилди — 22:55

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz